

ISSN 2181-9521

№ 9-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бағрикенг, кўпмиллатли халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуг байрамини катта қувонч ва шодиёналар билан ўтказди. Мана шундай чексиз қувонч ва шуқуҳли кунлар арафасида ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНнинг ёрқин тимсолига айланган “Янги Ўзбекистон” боғи ҳамда “Мустақиллик монументи”-нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида Давлатимиз раҳбарининг нутқидан баъзи бир иқтибосларни ўқийсиз.




“Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу эса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.”

“Ўтмишдаги ютуқ ва галабаларидан куч-қувват олиб, хато ва маглубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажакини тўғри белгилай олади.”

“Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади.”



МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ – ИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ



“Монумент пойига битилган: “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аجدодларимиз доимо қалбимизда” деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.”

“Ҳеч шубҳасиз, ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, қутлуг зиёратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланиб қолади.”



Саҳифаларни Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьяси Дусмурод ТОШЕВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.09.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 1514
Баҳоси келишилган нарҳда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА**6****МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ****“СУД ФАХРИЙСИ” – ЮКСАК ЭЪТИРОФ****ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ****12****СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ****15****ТАДҚИҚОТ****ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРГА
БАҲО БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****18****МАЖБУРИЙ ИЖРОДА ҚАРЗДОРНИНГ
ЧЕТГА ЧИҚИШНИ ЧЕКЛАШ ЧОРАСИ
ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ****21****ЭКСПЕРТ ФИКРИ****ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН
ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ****МУҲИМ МАВЗУ****24****ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ
ЕТКАЗИЛГАН МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ
ҚОПЛАШ МАСАЛАЛАРИ****27****ХАЛҚАРО ТАЖРИБА****ГЕРМАНИЯ, КВЕБЕК (КАНАДА) ВА
ФРАНЦИЯ МАМЛАКАТЛАРИДА ҲАДЯ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИНИШИ**

32

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

**МАЪНАВИЯТЛИ ОИЛА –
ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ**

МУЛОҲАЗА

34

БОЛАСИНИ СОТГАН “ОНАЛАР”

36

ИНСОН ВА ҚОНУН

**СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ГУМОН
ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ,
ЖАБРЛАНУВЧИ ВА
ГУВОҲЛАРНИНГ
КЎРСАТМАЛАРИНИ ОЛДИНДАН
МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ
(ДЕПОНИРОВАНИЕ)**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

42

**БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ
БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНИШИНИНГ
ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ**

44

ХОРИЖ ҚОНУНЧИЛИГИ

**АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚУРОЛ-
ЯРОҒНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ
МУОМАЛАСИ УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИК**

СУДЬЯ МИНБАРИ

46

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЖАЗОЛАШ
ЭМАС, БАЛКИ УЛАРНИ
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ!**

48

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

**ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ
ЮРИТИШДА РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ**

ПРОЦЕСС

50

**ВОПРОСЫ ПРЕКРАЩЕНИЯ И РАСТОРЖЕНИЯ
СОГЛАШЕНИЯ О ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОМ
ПАРТНЕРСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН:
ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ**

53

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

**НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ
К УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА
СОПРОТИВЛЕНИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЮ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ**

ВАЖНАЯ ТЕМА

56

**АКТУАЛЬНОСТЬ ОПЕРАТИВНО-
РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В
БОРЬБЕ С НАРУШЕНИЯМИ
ТАМОЖЕННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА**

59

HUMAN AND SOCIETY

**EDUCATION IN THE FIELD OF HUMAN
RIGHTS: STATUS, CHALLENGES,
ACHIEVEMENTS AND INITIATIVES OF THE
NEW UZBEKISTAN**

ANALYSIS

62

**DESCRIPTION OF CRIMINAL
ORGANIZATION`S STRUCTURES,
LEADERS, AND PARTICIPANTS**

64

ИБРАТ

**ЁМОНЛИК АЙЛАГАНГА
ЯХШИЛИК ҚИЛ!**



АДОЛАТ устувор бўлган жамиятни барпо этиш-ни мақсад қилган ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНда судьяларнинг обрў-эътиборини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида мантиқий изчилликка асосланган ва бир-бирини тўлдириб бораётган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг янги механизмлари вужудга келмоқда.

“СУД ФАХРИЙСИ” – ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармонида ҳам бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди.

Хусусан, фармоннинг тегишли бандида соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ҳалол-пок ишлаган тажрибали судьяларни “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлашни жорий этиш масаласи назарда тутилди.

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 12 июлдаги № СОҚҚ-1582-III-сонли қарорига асосан, “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди.

2021 йил 30 август кунини Ўзбекистон Судьялари ассоциациясида мамлакатимиз суд тизими тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фахрийларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Қуйида ушбу тадбир тафсилотлари билан батафсил танишасиз.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

– Ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, сўнгги йилларда судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларга муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш нуқтаи назардан кўплаб амалий ишлар қилинди ва бу давом эттирилмоқда.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги профессионал фаолиятига таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш, жумладан суд ишига аралаштириш ҳолатлари бўйича Судьялар олий кенгаши раисига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдимнома киритиш ваколати берилди. Ушбу тақдимнома асосида жиноят иши кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши лозимлиги қатъий белгиланди.

2020 йилнинг 7 декабрида Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорли-



гини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармони судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришга қаратилганлиги билан ҳам тарихий Фармонлардан бири бўлди.

Сабаби, ушбу Фармонда мустақил Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш масаласи белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 12 июлдаги № СОКҚ-1582-III-сонли қарори билан тасдиқланган “Суд фахрийси” кўкрак нишони тўғрисида”ги Низомга кўра “Суд фахрийси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси ҳар йили Мустақиллик куни байрами арафасида Судьялар олий кенгаши раиси томонидан тантанали равишда топширилиши белгиланган.

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллиги арафасида биринчи марта Судьялар олий кенгаши томонидан 57 нафар катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган, мамлакатимиз суд тизимининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган фахрий судьяларимиз нуфузли “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланишди. Улар орасида Ўзбекистон юриспруденцияси тараққиётига алоҳида ҳисса қўшган, кенг жамоатчилик орасида катта обрў-эътибор қозонган, таниқли устозларимиз бор. “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган Мингбоев Убайдулла Қурбонович, Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич, Мирбабаев Бахтияр Шамсутдинович, Мардиев Алишер Мардиевич, Бозоров Узоқ Бозорович, Муродова Дилбар Тухтамишовна, Мухитдинова Фарруха Фахриддиновна, Мирзаев Тахир Камбарович каби устозларимизнинг ҳаёт йўли бугун суд тизимида ишлаётган кўплаб ёшларимизга ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Шу ўринда “Суд фахрийси” кўкрак нишонига номзодларни танлаш, кўриб чиқиш ва тақдирлаш тартиби ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Юқорида келтириб ўтилган Низом талабига асосан, кўкрак нишони билан Ўзбекистон судьялари ҳамжамятида юксак обрў-эътибор

қозонган, судьялик бурчини бенуқсон, самарали ва ҳалол амалга оширган, жамиятда одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва ёш судья кадрларни етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, камида ўн йил судья сифатида фаолият кўрсатиб, нафақа ёшига етса-да, судья сифатида фаолият юритаётган судьялар ҳамда нафақадаги судьялар тақдирланади.

Судьялик лавозимида ишлаётган номзодларни танлаб олиш Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилади. Нафақадаги судьяларни мукофотлашга номзод сифатида тақдим қилиш Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси Марказий кенгаши ва Фахрийлар жамоатчилиги бошқаруви кенгашининг қўшма мажлиси қарори билан белгиланади.

“Суд фахрийси” кўкрак нишонининг таъсис этилиши бугун судьялик лавозимида фаолият юритаётган кўплаб ҳамкасбларимизни ўз ишига алоҳида масъулият билан қарашига, ҳалол-пок бўлиб ишлашига, касбий маҳоратини ошириб боришга, ўз устида тинимсиз изланишига даъват этади.



Убайдулла МИНГБОЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, “Суд фахрийси” кўкрак нишони соҳиби:

– Мен олдин ҳам оммавий ахборот воситалари орқали бир неча бор айтиб ўтганимдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан чинакам мустақил, адолатли суд тизимини вужудга келтириш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилди. Бунинг бежиз такрорлаётганим йўқ. Яратганга беҳисоб шукурлар бўлсинки, менда собиқ иттифоқ давридаги суд тизими билан бевосита судьяларга яратилган шароит билан бугунги кундаги судьяларнинг шароитларини қиёслаш имконияти бор. Мен ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, хусусан, суд тизимида қарийб 55 йиллик иш тажрибасига эгаман. Бугун судьяларимиз учун яратилган шароитлар билан биз судья бўлиб ишлаган 1970-1990 йилларни мутлақо солиштириб бўлмайди. Тор, кичкина, совуқ хоналарда ўтириб ишлардик. Оладиган ойлик маошларни ҳам бугунги кун билан таққослаб бўлмайди. Бугун судья бўлиб ишлаётган шогирдларимга мурожаат қилиб



айтмоқчиманки, бундай имкониятларнинг қадрига етиб, судья деган ниҳоятда шарафли лавозимга муносиб бўлишимиз керак.

Дарҳақиқат, “Суд фахрийси” кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳам суд тизимидаги тарихий воқелик бўлди. Шу соҳада кўп йил меҳнат қилиб, судьялик фаолияти давомида ҳалоллик, фидоийлик кўрсатган инсонларга кўкрак нишонининг берилиши, унга кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси бўлади. Айни пайтда судья бўлиб ишлаётган ёшларимиз ҳам ҳалол-пок ишласам, менга ҳам шу каби эҳтиром кўрсатилади, деб шунга интилади. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, одамлар орасида яхши ном қозониш, юксак обрў-эътибор орттириш осон иш эмас. Бунинг учун инсон биринчи навбатда таъмагирликдан йироқ бўлиши шарт. Давлат ва жамият тараққиётининг энг асосий кушандаси бўлган коррупцияга ўта мурасиз бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳам қўлидаги адолат тарозисини тўғри тутиши керак. Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “энди, таъмагирлик қилган судья, сиёсатга, мамлакат Президентига ва халқига хиёнат қилган деб баҳоланади” деган гаплари моҳиятини чуқур англаб, кундалик хизмат фаолиятида фақат қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутиши лозим. Ана шундагина вақти келиб, “Суд фахрийси” деган юксак кўкрак нишонига сазовор бўлади.

“Суд фахрийси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомда “Ўзбекистон судьялари ҳам-жамиятида юксак обрў-эътибор қозонган, судьялик бурчини бенуқсон, самарали ва ҳалол амалга оширган, жамиятда одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва ёш судья кадрларни етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, камида ўн йил судья сифатида фаолият кўрсатиб, нафақа ёшига етса-да, судья сифатида фаолият юритаётган судьялар ҳамда нафақадаги судьялар тақдирлини” билан боғлиқ меъёрлар жуда тўғри белгиланган.

Айни пайтдаги кенг кўламли ислохотлар натижасида халқимиз ҳаётида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Барча соҳалар бўйича халқ манфаати йўлида тизимли равишда кўплаб амалий ишлар олиб борилаётгани, айниқса ижтимоий ҳаётимизда ўзининг ифодасини яққол кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, бугун жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётининг янги босқичи шахдам қадамлар билан олға кетмоқда. Мамлакатимиздаги мана шундай улкан ижобий ўзгаришларга адолат ҳимоячиси сифатида ҳар биримиз муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим деб ҳисоблайман.



Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, “Суд фахрийси” кўкрак нишони соҳиб:

– Бугун менинг ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири содир бўлди. “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланганим чексиз қувонч бағишламоқда. Мен учун бу кўкрак нишони жуда қадрли. Суд органининг фақат ўзигагина хос хусусиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бунинг қиймати қай даражада эканлиги намоён бўлади. Судьялик касбининг масъулиятини бунинг бошидан ўтказган инсон яхши тушунади. Демак, шундай масъулиятли касбнинг фахрийси деб топилишининг бу – катта бахт. Давлатимиз раҳбари Фармони билан таъсис этилган нишоннинг берилиши, менга алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судидан унвонга муносиб кўриладиган номзод ушбу суд томонидан тақдим қилиниши тўғрисидаги тартиб Низомда жуда тўғри акс эттирилган.

Бугун халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётган ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий ислохотлар кўлами ва моҳияти нуқтаи-назаридан ниҳоятда улкан аҳамият касб этмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди. 2021 йил 27 апрель куни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ Конституциявий суд таркиби тўлиқ янгиланди ва ваколатлари янада кенгайтирилди.



“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш ва унинг субъектлари доирасини кенгайтириш бўйича қонунчиликка бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон



Алишер МАРДИЕВ,

“Суд фахрийси” кўкрак нишони соҳиби:

– Мен учун ниҳоятда қадрли бўлган суд органларида фидоийлик кўрсатиб меҳнат қилган, тажрибали судьяларни рағбатлантириш мақсадида янги таъсис этилган “Суд фахрийси” кўкрак нишонининг таъсис этилганлиги билан бутун судьялар ҳамжамиятини табриклайман. Суд органи малакали мутахассислари учун бундай нишоннинг таъсис этилишини жуда катта воқелик деб биламан ва бунинг учун Давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдираман. Соҳа ходимларини қадрлаш инсонни қадрлашдир. Менга ҳам “Суд фахрийси” кўкрак нишонининг берилганидан чексиз қувондим.

Судьялик қадимдан жуда мўътабар касб ҳисобланган. Бундай юксак мартабага эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Улуғ алло-маларимизнинг китобларидан маълум бўлишича, судьялик рутбасини кийиш учун инсоннинг тийнати пок, ҳам жисмоний ҳам маънавий нуқтаи назаридан соғлом бўлиши талаб этилган. Тарихимизда қозилик ишларининг қандай ташкил этилганлиги тартиби, қозилик лавозимига тайинланадиган инсонга қўйилган талаблар жуда юқори мезонлар билан белгиланган. Қозилик ишлари билан боғлиқ ниҳоятда ибратли ривоят, ҳикоят, масал ва маталлар ҳар қандай инсонни чуқур мулоҳаза қилишга чорлайди. Чунки, судья ҳар қандай низоли ишга ҳуқуқий баҳо

Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек агар қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузаётган ва муайян ишда қўлланилган бўлиб, судда кўрилиши тугалланган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонунни конституциявийлигини аниқлаш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур демократик ўзгаришлар давлат ва жамият тараққиёти билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган институт – конституциявий назоратни кучайтиришга, пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Бериб, ҳақни-ҳаққа, ноҳақни – ноҳаққа чиқаради. Бунинг учун у кўрилатган иш бўйича жуда кўплаб омилларни, сабабларни юридик тил билан айтганда далилларни тош-тарозига солиб кўради, таҳлил қилади, шундан кейин суд ҳужжатини қабул қилади. Ваҳоланки, бу ҳужжат кимнингдир тақдирини ҳал қилади. Мана шундай масъулиятдан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, судьянинг нафақат ҳукм, ажрим ва қарорлари, балки, унинг юриш-туриши, ўзини тутиши, муомала маданияти, ҳатто кийинишигача, жамиятда адолат қарор топишида, одамларнинг ҳаётий фаровонлиги ошишида, пировардида, мамлакатнинг тараққиётида бемисл аҳамиятга эга. Буни ҳамма судьяларимиз қалбига, онгига, юрагига жойлаб олиши шарт.

Зеро, Давлатимиз раҳбари “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!” деб бежиз айтмаганлар.

Демоқчиманки, бугунги кундаги судьяларимизнинг ҳозирги демократик ўзгаришлар, янги ланаётган жамият талабларига, дадил одимлаётган мамлакатимизга ҳар томонлама муносиб бўлишлари лозим. Бунинг учун сидқидилдан, фидоийлик билан касбига содиқ қолиши талаб этилади. Сабр-қаноат, тоза иймон, соф виждон билан ишлаган судья ҳеч қачон ёмонлик кўрмайди. Доимо эл-юрт ардоғида бўлади. Ва бир кун келиб нафақага чиқса, “Суд фахрийси” кўкрак нишони ҳам унга насиб этади.





Холмухаммад ХАСАНОВ,

*Тошкент вилоят суди судьяси,
“Суд фахрийси” кўкрак нишони соҳиби:*

– “Суд фахрийси” кўкрак нишони – юсак эътироф деб ҳисоблайман. Судьялик фаолияти давомида самарали меҳнат қилган, билими, тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўлган судьяларни рағбатлантириш учун бу муҳим.

Бир неча йиллардан бери судья бўлиб ишлаётган бўлсам, том маънодаги судья қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топиш мени қийнайди. Дарҳақиқат, чин маънодаги судья тафаккури кенг, иродаси метиндек мустаҳкам, маънавий қиёфаси гўзал, юсак инсоний фазилатларга эга бўлиши керак. Лекин, мана шундай даражага етишиш учун нима қилмоқ керак, деган иккинчи бир савол ҳақида ҳам бош қотираман.

Менинг назаримда ҳар бир инсон камолот пиллапояларига кўтариллиши учун машаққат чекиб, тинимсиз меҳнат қилиши лозим. Шу ўринда, устозимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоевнинг қуйидаги ўғитлари ёдга тушади. “Маънавияти юсак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юсак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки китобни кўп му-

толаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига кулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади, асло адолатсизликка қўл урмайди. Шунининг бир кунини “КИТОБХОНЛИК КУНИ” деб эълон қилишни лозим деб ҳисоблайман.”

Устоз ушбу фикрлари орқали китоб мутолаасини кучайтириш адолатни қарор топтиришга қодир бўлган судьялар авлодининг вужудга келишига омил бўлишини айтиб ўтади. Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бугун судьяларимиз китобхон дея мақтана олмаймиз. Исбот талаб этмайдиган ҳақиқат шуки, ҳар қандай касб эгасининг маънавияти юсак бўлмаса, масъулияти ва одоби талаб даражасида бўлмаса жамият ҳеч қачон тараққий этмайди. Айниқса, адолат ҳақида



сўз айтадиган судьянинг маънавияти, маърифати, масъулияти давлат ва жамият тараққиётида бениҳоя залворли аҳамиятга эгадир.

Муҳтарам Президентимиз бежиз “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди” деган гоғни ўртага ташлаганлари йўқ. Тараққийпарвар давлат ҳамда комил жамиятни ифода-лайдиган ўта муҳим тушунчалар – “маънавият ва адолат” бир-бири билан узвий боғлиқ. Уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.





Ҳамид БОБОҚУЛОВ,

*Қашқадарё вилоят суди судьяси,
“Суд фахрийси” кўкрак нишони соҳиби:*

Шарқ халқлари азал-азалдан ҳақиқат ва адолатни биринчи ўринга қўйиши билан ажралиб туради. Ота-боболаримиз турмуш тарзининг асосини ҳақ ва ҳақиқатга бўлган ишонч ташкил этади. Шу боис минг йиллардан буён аждодларимиз зулм, адолатсизлик каби иллатларга мурасасиз бўлиб келганлар. Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам салтанатлари асосини худди шу пойдевор устига бунёд этган. “Темур тузуклари” асарида: “Адл тарозусини кўлумга олдим, не кам қилдим ва не зиёд, ҳаммани ўлчоқда баробар тутдим” ёки “Худонинг бандалариға барҳақ ҳукм қилдим ва ҳақ тарафиға майл этдим”, – деган фикрининг адолатни севувчи давлат раҳбари эканлиги ҳамда шундай сиёсат юргизишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Қадимдан оддий халқ орасида адолатни қарор топтириш учун кўп ишлар қилинган. Хусусан, қози институтининг ташкил топиши, барпо этилиши минг йиллар наридан бошланади. Ана шу қадим анъана бугун ҳам бардавом.

Мамалакатимизда сўнгги йилларда инсон қадр-қиммати, шаъни масаласи давлат сиёсатининг энг устивор йўналишига айланди. Буни биз мамлакатимизда суд ҳокимияти ва унга берилган эътибор мисолида кўряпмиз. Судьяларнинг ҳар томонлама мустақиллигини таъминлаш, ин-

сон тақдирини ҳал қилишда ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш, фақатгина қонун асосида иш кўришлари учун мукамал имкониятларнинг яратилганлиги бунга яққол мисолдир.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишонининг таъсис этилиши ва улуғ сана арафасида эгаларига етказилиши сўзимнинг исботидир. Ҳамкасбларим қаторида “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланганлигимдаги ҳолатимни тасвирлаб бера олмайман. Чунки, ҳар бир инсоннинг камтарона меҳнати юксак эътироф этилганда эътибордан лол қолиши тайин. Менинг суд- ҳуқуқ соҳасида кўрсатган узоқ йиллик фаолиятим ана шундай юксак эътироф этилди. Бу эса нафақат менга, балки бутун Қашқадарё воҳаси судьяларига кўрсатилган эҳтиромдир. Узоқ йиллик иш фаолиятимиз давомида бир қанча ёшларга йўл-йўриқ кўрсатдик. Устозлик қилдик. Устозларимиздан олган билим-кўникмаларимизни шогирдларимизга ҳам ўргатдик. Бизнинг бундай мукофотга эга бўлганлигимиз эса уларга катта рағбат, мотивация беради ва улар ҳам ўзларининг бутун билимларини, тажрибаларини қонунчиликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш йўлида сарфлайдилар. Бугун мамлакатимизда “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишонини олган ҳамкасбларимнинг изида минглаб шогирдлари, издошлари бор. Чекка вилоятларда ўз касбини шараф билан адо этаётган, инсонларнинг кейинги тақдирига дахлдор қарорлар чиқараётган юзлаб судьялар бор. Юқоридаги каби устозларининг, ҳамкасбларининг меҳнатлари муносиб эътироф этилиши эса улар учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Давлатни бошқаришда муҳим саналган тўртта ҳокимиятдан бири ҳисобланган суд ҳокимияти вакилларининг шундай юксак мукофотларга муносиб кўрилгани эса юртимизда одил судловни таъминлаш, адолат тарозусини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ана шуниси билан ҳам қадрлидир ушбу унвон.



Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси Баҳодир ҚАЮМОВ тайёрлади.



**Маликахон
КАЛАНДАРОВА,**
Судьялар олий
кенгаши судьяси,
юрidik фанлар
номзоди,
доцент

СУДЪЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан ҳисобланади. Аксарият олимлар ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатларига судьялар ҳамжамияти органларининг мавжудлигини ҳам киритиш мумкинлигини, судьялар манфаатларини ифодаловчи судьялар ҳамжамияти органлари судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим институт ҳисобланишини, судьялар ҳамжамияти ўзининг органлари орқали судларни ташкил этиш ва фаолият юртишига фаол таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар¹.



**Дилшод
АРИПОВ,**
Судьялар олий
мактаби дирек-
торининг
маслаҳатчиси,
юрidik фанлар
номзоди,
доцент

Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг CM Res (2010)12-сонли тавсиялари ҳамда Европа судьялари Маслаҳат Кенгашининг 10-сонли ҳулосасида ҳам судьялар ҳамжамияти органларини тузишдан асосий мақсад судлар ва алоҳида судьялар мустақиллигини таъминлаш ва бу орқали суд тизимининг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш эканлиги таъкидланган².

Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳамжамияти органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши эътироф этилиб, унга суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашувчи конституциявий орган мақоми берилган. Судьялар олий кенгашининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги роли ўз фаолиятини мустақил тарзда олиб боришни кафолатлайдиган демократик принциплар асосида ташкил этилганига бевосита боғлиқ. Бунда Судьялар олий кенгаши фаолиятини холис амалга ошириш, унинг аъзолари мустақиллигини таъминлаш бўйича зарур ҳуқуқий кафолатлар қонунда белгиланиши муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-717-сон Қонуни билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга (кейинги ўринларда - Қонун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ҳамда фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муҳим нормалар белгиланди.

Биринчидан, Судьялар олий кенгашининг таркиби халқаро талабларга тўлиқ мувофиқлаштирилди. Шу кунгача Кенгашнинг етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланар эди. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигида Кенгаш таркибида бошқа ҳокимият органлари вакилларининг бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилган. БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг тавсияларида³, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистонга билдирган тавсияларида⁴ Кенгаш таркибида қонунчилик ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг бўлиши суд ҳокимияти мустақиллиги принциpigа зид ҳисобланиши қайд этилган. Киев конференцияси тавсияларига кўра ҳам судлар тизимига кирмайдиган прокурорлар кенгаш таркибига кириши мумкин эмас, қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг Кенгаш аъзоси бўлиши мумкинлиги тақиқланиши лозим⁵. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Литвада кенгашнинг барча аъзолари судьялар ҳамжамияти вакилларидан иборат бўлиб, унинг таркибига прокуратура вакилларининг киришига йўл қўйилмади⁶. Шунга кўра, Қонуннинг 5-моддасида Кенгаш таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг тасдиқланиши мумкинлиги ҳақидаги норма бекор қилинди.

Иккинчидан, Кенгаш тузилмасида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилди. Маълумки, судларда коррупция ҳолатларига барҳам бериш ва унга қарши курашиш, судья-

ларга ноқонуний таъсир ўтказиш судларда хавфсизликка таҳдид солувчи муҳим омиллардан биридир. Бироқ, амалдаги қонунчиликда ушбу хавф-хатарга қарши курашувчи махсус орган белгиланмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида судьяларнинг судьялик қасамёди ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш, судьялар фаолиятини касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганиш, уларга нисбатан хизмат текширувлари ўтказиш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш каби вазифаларни амалга оширар эди. Бироқ, ушбу ваколатлар умумий характерга эга бўлиб, суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда ушбу соҳада ягона комплекс сиёсатни амалга ошириш имконини бермасди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармонида мувофиқ судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни тизимли равишда бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самардорлигини ошириш мақсадида Судьялар олий кенгашининг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилиб, Қонуннинг 6-моддасида Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сифатида судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқиш ва принципиал баҳолаш белгиланди.

Бундан ташқари, Кенгашнинг зиммасига Кенгаш ҳамда суд тизимининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун муносиб судья кадрларни танлаб олиш, шунингдек уларни рағбатлантириш ва мукофотлаш масаласи юзасидан ташаббус кўрсатиш каби вазифалар ҳам юклатилди.

Учинчидан, судьялик лавозимларига номзодлар захираси институти тугатилди. Қонуннинг 20-моддасида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар авваломбор судьяликка номзодлар захирасига кириши, бунинг учун махсус имтиҳонлардан ўтиши ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари билан доимий алоқада бўлишлари талаб этилар эди. Ушбу тартиб амалий жиҳатдан самарасиз бўлиб, захирадаги номзодлар билан тизимли ва профессионал шуғулланишни назарда тутмас эди. Натижада бу фақат бюрократик тартиблардан бири сифати-

да судья лавозимини эгаллаш учун ортиқча тўсиқларни келтириб чиқарар эди. Айниқса, фақат захирага олинган номзодгина Судьялар олий мактабида тайёргарликдан ўтиши ҳамда ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиши мумкинлиги бошқа манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлиб, малакали ва тажрибали кадрларни судларга жалб қилишда тўсқинлик қилар эди. Бундан ташқари, Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши билан ушбу институт тўлиқ ўз аҳамиятини йўқотганди. Бинобарин Судьялар олий мактабини муваффақиятли тамомлаган тингловчигина судьялик лавозимига ҳақиқий номзод сифатида эътироф этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4096-сон қарорида алоҳида белгиланган эди. Судьялик лавозимини эгаллаш тартибини соддалаштириш ҳамда мавжуд ортиқча тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Қонуннинг 20-моддаси тўлиқ ўз кучини йўқотган деб топилди.

Тўртинчидан, янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 64-моддасида судья Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан ва Олий суд Пленумининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмаслиги, тегишли судьялар малака ҳайъатининг ҳулосаси олинмасдан эса маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгилангани муносабати билан Қонунда Кенгашнинг судьяларни маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан ҳулоса бериш ваколати бекор қилинди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон ва 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон фармонларида белгиланган вазифаларни ижро этиш ҳамда амалдаги қонун нормаларининг реализациясини таъминловчи ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадида Қонунда Кенгашнинг вако-

*Агарда сен ҳам ақлли ки-
шиларнинг сафида бўлгинг
келса, ҳар куни бир марта, ё
ҳафтада бир марта, ҳеч бўл-
маса ойда бир марта ўзингга
ўзинг ҳисоб бер!*

АБАЙ
ҲИКМАТЛАРИДАН

латлари рўйхати янада кенгайтирилди. Хусусан, эндиликда Кенгаш:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро маъмурий судларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

судьяларга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди;

Судьялар олий малака ҳайъати қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади;

Олий суд раисининг Судьялар олий малака ҳайъатининг қарорлари, хулосалари юзасидан тақдимномаларини кўриб чиқади;

судьялар фаолиятини очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Олтинчидан, амалиётда судлар фаолиятига ижро ҳокимияти органларининг аралашуви, босим ўтказиши ҳолатлари мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда бундай мансабдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўриш имкони мавжуд эмас. Айниқса, қонунга зид бундай ҳаракатлар “оғзаки шаклда ва билвосита усулларда” амалга оширилиши натижасида уларни исботлаш анча мушкул вазифа ҳисобланади. Шунингдек, алоҳида ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга тааллуқли муҳим масалаларни бошқа ҳокимият тармоқлари ёрдамида ҳал қилиш суд ҳокимияти мустақиллигига раҳна солади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бўйича махсус ваколатга эгалигидан келиб чиқиб, Қонунда Кенгаш раисининг суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳақида, шунингдек суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этиш ваколати белгиланди.

Еттинчидан, аввалги амалиётга кўра судьянинг дахлсизлиги бузилганлиги ҳолати бўйича Кенгаш томонидан прокуратура органларига тақдимнома киритилар эди. Бироқ, мазкур масалада тақдимнома киритиш ваколати ва уни кўриб чиқиш тартиби Қонунда белгиланмаган эди. Натижада тақдимнома тегишли прокуратура органи томонидан кўриб чиқилиб, натижаси юзасидан жавоб хати юбориш билан чекланилган. Бу эса ҳар бир бундай ҳаракат учун алоҳида суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш шартлигини истисно этарди. Шу боис, Қонунда Кенгаш раисининг судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан прокуратура органларига тақдимнома киритиш ҳуқуқи махсус назарда тутилди. Шунингдек, мазкур тақдимнома бир ой муддатда процессуал тартибда кўриб чиқилиши ва Кенгашга жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида ёки уни қўзғатиш рад этилганлиги ҳақидаги қарор фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилиши тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, судьянинг дахлсизлиги кафолатларини янада кучайтириш мақсадида судья ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган тақдирда, ушланган пайтдан эътиборан уч соатдан кечиктирмасдан Судьялар олий кенгашига бу ҳақда ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда мажбурий тартибда хабар қилиниши тартиби белгиланди.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган қонун нормалари фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишга, одил судловга эришиш даражасининг кўтарилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дмитриев Ю.А., Шапкин М.А., Шумилов Ю.И. Правозащитные органы Российской Федерации: учебник // под ред. Ю.А.Дмитриева. – М.: изд-во «Омега-Л», 2010. – С. 269.
2. Органы судебной системы. Карьера судей. Доклад рабочей группы «Независимые судебные системы». Страсбург, сентябрь 2011г.
3. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>
4. <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>
5. Рекомендации Киевской конференции БДИПЧ ОБСЕ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии (2010 г.) были разработаны группой независимых экспертов под руководством БДИПЧ и Исследовательской группой «Минерва» по вопросам независимости судей Института Макса Планка, раздел 7.
6. Закон Литвы “О судах”. Ст. 119-2.2. https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда бир қанча хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришларни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, бир қанча давлатларнинг асосий қонунларида жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун жиноят процессуал қонун ҳужжатларида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро тажриба судга қадар жиноят иши юритишни амалга оширувчи органлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини, амалий қўлланилишини ва натижаларини таҳлил этиш бу соҳада ўзининг ечимини кутаётган, процессуал назария ва суд-тергов амалиёти билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, далилларни баҳолашни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жиноят процессуал исбот қилишнинг мақсади ҳақиқатни, бошқачароқ айтганда, иш ҳолатларини воқеликка мос равишда аниқлашдир. Исбот қилиш жараёни қонун билан тартибга солинган ва маълум процессуал шаклда ўтказилади. Жиноят процессуал қонун далиллар билан ишлаш қоидаларини ўрнатади. Бу қоидалар далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш; далилларга қўйиладиган талаблар, исбот қилиш субъектлари ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Жиноят процессида далилларни баҳолаш — исботлаш жараёнининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Далилларни баҳолашдан кўзланган асосий мақсад — ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлашдир. [1]

“Баҳо бериш” тушунчасининг луғавий маъноси бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг аҳамияти, қадрини ҳақида фикр билдиришни англатади.

Жиноят процесси назариясида исбот қилиш ахборот ташувчиларни қидириб топиш, фактлар тўғри-

сидаги маълумотларни тўплаш, уларни процессуал мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш бўйича фаолият ҳисобланади [2].

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш бир хил вазифани бажаради [3] ҳамда мос равишда қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган давлат органлари вакиллари томонидангина амалга оширилади.

Ҳуқуқшунос олимлар Б.Миренский, А.Асомиддинов ва Ж.Камолхўжаевлар таъкидлаганидек, “далилларни баҳолаш қонуний ва асосланган процессуал қарорлар қабул қилиш, жиноят қонунини тўғри қўллашнинг зарур шarti бўлиб хизмат қилади” [4].

Жиноят процессида аниқланган жиноятлар юзасидан далилларни баҳолаш иш бўйича процессуал қарор қабул қилиш учун замин ҳозирлайди. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, хулосалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

Далилларни баҳолашнинг моҳиятини уларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги ҳамда жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатларни топиш учун етарлилигини аниқлаш ташкил қилади. Қонунчиликда далилларни баҳолашга умумий талаблар белгиланган бўлиб, улар жиноят процессининг барча босқичлари учун ягонадир [5].

Шу ўринда “далилларга баҳо бериш” ва “далилларни баҳолаш” тушунчаларининг фарқли жиҳатларини ёритиб ўтиш жоиз. Маълумки, тўпланган далилларни баҳолаш орқали уларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги текширилади. Аммо далилларга баҳо бериш билан далилларни баҳолаш айнан бир хил эмас. Зотан, тўпланган маълумотларга далил деб ҳисобланиши нуқтаи назардан баҳо берилади. Агарда маълумот жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар, нарсалар тўғрисида ёхуд белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг далилларни процессуал жиҳатдан расмийлаштиришга доир моддаларида назарда тутилган шартларга ва ҳақиқатга мувофиқ бўлса, далил деб ҳисобланади.



Ҳамдам ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти катта ўқитувчиси



Шунингдек, химоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

Далиллар нафақат тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, балки тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан ҳам тўпланади. Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларга далил сифатида баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мутасаддиқ этган шундай хусусиятларини инобатга олиш керак-ки, уларсиз тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Бу хусусиятларга қуйидагилар киради:

➔ *алоқадорлик (бу далилнинг ўз мазмуни билан иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қила олишидир. Бошқача айтганда, алоқадорлик-далилларнинг мазмун жиҳатидан яроқлилигидир);*

➔ *мақбуллик (ҳар қандай ҳуқуқий давлатда далиллар жиноят процессуал қонунчиликда назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина ва белгиланган тартибда тўплансагина улар мақбул деб эътироф этилади);*

➔ *ишончлилик (текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади);*

➔ *аҳамиятлилиги (далилнинг қиммати, унинг далилий кучидир);*

➔ *етарлилиги (исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади).*

Жиноят процессида аниқланган жиноятлар бўйича далиллар илмий асосланганлиги ва процессуал қоидаларга риоя этилганлиги мезонлари бўйича баҳоланади.

Далилларни баҳолаш фақатгина далилларнинг қийматини, мақбуллигини, ишончлигини ва бошқа хусусиятларини аниқлаш бўйича мантиқий операция бўлмасдан, балки ана шундай ҳулосаларнинг шаклланиш жараёни ҳам ҳисобланади. Далилларни баҳолашни исботлашнинг якунловчи элементи сифатида ажратиш кўрсатиш унинг исботлаш жараёни тузилмасидаги асл ролини тўлиқ маънода акс эттирмайди. Чунки, далилларни баҳолаш исботлашнинг бутун жараёни давомида амалга оширилади.

Далилларни баҳолаш фақатгина уларнинг хусусиятларини билиш билан чекланмайди, чунки билиш ва баҳолаш ўзининг мазмунига кўра бир хил эмас. Баҳолаш фақатгина билим бўлмасдан, балки объектга нисбатан у тўғрисидаги фикр кўринишидаги муносабатдир.

Далилларни баҳолаш, худди далилларни тўплаш, текшириш сингари, исбот қилишнинг мустақил элементи дидир. Шу туфайли, далилларни текшириш ва баҳолашни ўзаро фарқлаш зарурати юзага келади. Яна бир ҳуқуқшунос олим А.В.Руденконинг таъбири билан айтганда, “исбот қилишнинг бу икки элементини фақат битта аломат бўйича ажратиш мумкин: яъни далилларни баҳолаш – бу алоҳида фикрлаш қобилияти бўлиб ҳисобланади, далилларни текшириш бўйича фаолият эса фикрлашдан ташқари, амалий жиҳатга ҳам эгадир”. Далилларни текшириш натижалари баҳоланиши лозим бўлади. Текширилаётган далилларни мазмунан тасдиқлаш текширилаётган далилларда мавжуд бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларга айнан ўхшаш бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар қўлга киритилган вақтда амалга ошади[6].

Эътиборга олиш лозим-ки, қонунда далилларга баҳо бериш жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (жамоат айбловчиси, химоячи, жабрланувчи, айбланувчи ва ҳ.к.) фақат мазкур органларнинг далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлиги тўғрисидаги қарор (ажрим)лари устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят бериш йўли билан эътироз билдиришга ҳақлидирлар.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларининг кўрсатишича, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги ёндашувлар қайд этилган:

Биринчи ёндашув: далиллар мажмуи — ишни ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Арманистон ЖПК 127-моддаси 1-қисми, Туркменистон ЖПК 136-моддаси 1-қисми);

иккинчи ёндашув: тўпланган барча далилларнинг мажмуи — жиноят ишини ҳал қилиш учун етарлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Россия Федерацияси ЖПК 88-моддаси 1-қисми, Тожикистон ЖПК 88-моддаси 1-қисми, Қирғизистон ЖПК 95-моддаси 1-қисми, Қозоғистон ЖПК 125-моддаси 1-қисми);

учинчи ёндашув: далиллар мажмуи — дастлабки терговни тамомлаш ва жиноят иши бўйича суд муҳокамасини ҳал қилиш учун етарлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Беларусь ЖПК 105-моддаси 1-қисми);

тўртинчи ёндашув: далиллар мажмуи — далилларнинг таққослана олиши нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Молдова ЖПК 101-моддаси 1-қисми);

бешинчи ёндашув: жиноий таъқиб бўйича тўпланган барча далиллар — уларнинг мажмуи айбловни ҳал этиш учун етарлиги бўйича баҳоланиши керак (Озарбайжон ЖПК 145-моддаси 1-қисми);

олтинчи ёндашув: тўпланган далиллар мажмуи процессуал қарорни тўғри қабул қилиш учун етарлиги ва алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланади (Украина ЖПК 94-моддаси 1-қисми). Аксарият давлатлар (Арманистон, Беларуссия, Туркменистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон) да далилларнинг етарлиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида белгиланган. Айрим давлатларда далилларнинг таққослана олиши (Молдова), далилларнинг алоқадорлиги (Украина) далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида қайд этилган. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала аксарият давлатлар (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон)да далиллар мажмуини эмас, балки тўпланган барча далиллар мажмуини баҳолаш сифатида аниқлаштирилганлигини эътироф этиш жоиз.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, далилларнинг етарлиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони эканлиги умум эътироф этилган.

Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят-процессуал фаолиятига оид илмий-назарий ва юридик адабиётларини, жиноят процессининг муҳим босқичи сифатида суриштирув олиб бориш, бу борадаги суриштирув, тергов амалиётини ҳамда мавжуд статистик маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунчилигини ўрганиш асосида ўз тақлифимизни келтириб ўтишни лозим деб топдик.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 92-моддасининг 2-қисми қуйидаги тахрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

92-модда. Далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳа-

ракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Терговга қадар текширув органи мансабдор шахс, суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдиан изоҳ берилади.

Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 92-моддаси 2-қисмида терговга қадар текширув органининг далилларни қайд этиш тўғрилигини тасдиқлаш бўйича қоида акс эттирилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонунига кўра, божхона органлари ҳам терговга қадар текширув органи ҳам суриштирув органи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан кутилаётган натижалар жиноят-процессуал қонунчиликни жаҳон ҳамжамиятининг жадал ривожланиш тенденциялари даражасига олиб чиқишни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашини инobatга олган ҳолда янада мукамаллаштиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Адолат нашриёти. 187-бет.
2. Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. — М., 2000. 13-б.
3. Рыжаков А.П. Уголовно-процессуальное доказывание: понятие и средства. — М.: Информационно-издательский дом “Филинь”, 1997. 115-б.
4. Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси - Б. 42
5. Иноғомжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. Адолат нашриёти. 69-бет.
6. Руденко А.В. Содержательная логика доказывания: диалектические и формально-логические основы уголовного процессуального и криминалистического исследования: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. — Краснодар, 2011. — С. 15-16



Шухрат ДОВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академия-
си ўқитувчиси

МАЖБУРИЙ ИЖРОДА ҚАРЗДОРНИНГ ЧЕТГА ЧИҚИШНИ ЧЕКЛАШ ЧОРАСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари томонидан мажбурий ижро жараёнида қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тартиби МДҲ давлатлари ва миллий қонунчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: мажбурий ижро, давлат ижроچиси, қарздор-жисмоний шахс, қарздор-юримдик шахс, вақтинча чеклаш.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье проанализировано порядок применения государственными исполнителями временного ограничения выезда должника из Республики Узбекистан в процессе принудительного исполнения с точки зрения законодательства стран СНГ и национального законодательства и внесены предложения по совершенствованию.

Ключевые слова: принудительное исполнение, государственный исполнитель, должник-физическое лицо, должник-юридическое лицо, временное ограничение.

АННОТАЦИЯ:

This article analyzes the procedure for the application by state executors of the temporary restriction of the debtor's departure from the Republic of Uzbekistan in the process of enforcement from the point of view of the legislation of the CIS countries and national legislation and makes proposals for improvement.

Keywords: compulsory enforcement, state executor, debtor-an individual, debtor-a legal entity, temporary restriction.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, уни амалга оширишда турли ёндашув ва чоралар қўлланилади. Чунки, суд ёки бошқа орган ҳужжати ижросининг таъминланмаганлиги оқибатида ундирувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етади.

Биламизки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини турли мамлакатларда турли номланадиган мажбурий ижро органлари амалга оширади. Масалан, Россия Федерациясида суд пристава, АҚШда маршал, Францияда шериф ва бошқа.

Ўзбекистонда бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари томонидан амалга оширилади. Давлат ижрочиларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган.

Дунёга машҳур файласуф олим, сиёсатчи, дипломат ва ихтирочи Бенжамин Франклин айтганидек: “Кредиторлар қарздорлардан хотирасининг афзаллиги билан фарқланади”. Бу ҳақиқатдан ҳам тўғридир, чунки ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажарадиган қарздорлар камчиликни ташкил қилади. Шу сабабли эртами кечми ҳар қандай манфаатдор шахс қарздордан пул ундириш ёки мулкий ундирув билан боғлиқ бўлмаган талабни мажбурий тартибда амалга ошириш мақсадида судга мурожаат қилади.

Албатта, мажбурий ижро чоралари қарздорга нисбатан дарҳол қўлланилмайди, унгача ижро жараёни бир нечта босқичдан иборат бўлиб, ижро ҳужжати ижроси ихтиёрий равишда таъминланмаган тақдирдагина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-бобида ижро жараёнида қарздорга нисбатан қўлланилиши

мумкин бўлган мажбурий ижро этиш асоси ва чоралари белгиланган.

Шунингдек, қарздорга нисбатан қўлланиладиган мажбурият чораларидан бири бу Қонуннинг нисбатан янги – 42¹-моддаси бўлиб, унга асосан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашдан иборат.

Мазкур модда қарздорларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдаги масъулиятини ошириш, айниқса фарзандлари таъминоти учун алимент тўлашдаги жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги ЎРҚ-199-сонли қонуни билан киритилган.

Ушбу моддага асосан Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 23 октябрдаги 52, 82, 27-сон қарори билан тасдиқланган “Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор-жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Давлат ижрочиси қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни юқорида кўрсатилган органлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунининг 42¹-моддасига асосан суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати ҳисобланган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганида, давлат ижрочиси ундирувчининг аризасига асосан ёки ўз ташаббуси билан қарздор-жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаради.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маъ-

лум бўлса), ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига юборилади.

Бу каби чеклов Россия Федерациясининг “Ижро иши тўғрисида”ги қонуни 67-моддаси билан белгиланган бўлиб, қарздор-фуқаро ёки якка тартибдаги тадбиркор суд қарори асосида берилган ижро ҳужжатида кўрсатилган маблағни белгиланган муддатда ихтиёрий равишда узрсиз сабабларга кўра қонунда белгиланган суммани тўламаган ёки номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжати талабини бажармаган тақдирда суд пристави ундирувчининг аризасига асосан ёки ўз ташаббуси билан қарздорнинг Россия Федерациясидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Ушбу ҳолатда икки давлат қонун моддаларининг бир-бирига ўхшаш бўлишига қарамасдан улар ўртасидаги фарқ мавжуд.

Бундай фарқлардан биринчиси бу – Ўзбекистон Республикаси қонунининг 42¹-моддасида чекловни фақат қарздор-жисмоний шахсга нисбатан қўллаш белгиланган бўлиб, РФ қонунининг 67-моддасида чеклов жисмоний шахсдан ташқари якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан ҳам қўлланиши алоҳида кўрсатилган.

Буни қонунлар номидан ҳам кўриш мумкин. РФ қонунида бу модда “Қарздорнинг Россия Федерациясидан чиқишини вақтинча чеклаш”, деб номланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтин-

***Ёмон дўст сояга ўхшайди.
Пешонангга кун тузса, қочиб
қутула олмайсан, бошингда
булут тўпланса, излаб топа
олмайсан.***

* * *

***Юракнинг маслаҳатига амал
қилиб гапирилганда гап ёлгон
чиқмайди. Юракнинг айтгани-
га кирмай, нафснинг буюргани-
ни қилсанг, сўзсиз адашсан.***

**АБАЙ
ҳикматларидан**





ча чеклаш”, деб номланган. Яъни, ўзимизнинг Қонун нормаси фақат қарздор-жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Қонун нормасининг фақат қарздор-жисмоний шахсга нисбатан қўлланиши белгиланган ҳолатда қарздор юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорлардан ундирув билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро чоралари тўлиқ қўлланилмасдан ижро ҳужжатларининг ижросиз қолиб кетишига олиб келади. Яъни, давлат ижрочиси юридик шахс раҳбари ёки яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан мажбурлов чораларини қўллай олмайди.

Иккинчи фарқи бу – ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, фақат ундирувчи қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. РФ қонунчилигига асосан бундай ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчидан ташқари суд пристави ҳам ўз ташаббуси билан қарздорнинг четга чиқишини чеклаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, ижрочига ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, фақат ундирувчининг аризаси асосида чеклов чораси қўлланилганида, ижро ҳужжати ижросининг ўз вақтида таъминланиши кечикиши мумкин. Чунки, ундирувчи ўзининг бу ҳуқуқидан беҳабар бўлиши, бунинг оқибатида қарздор қарздорлиги бўла туриб, четга чиқиб кетиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг “Ижро иши юритуви ва суд ижрочиси статуси ҳақида”ги қонунининг 33-моддаси билан суд ижрочисига қарздор жисмоний шахсдан ташқари юридик шахснинг раҳбари (вазифасини бажарувчи)нинг Қозоғистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ваколати белгиланган.

Беларусь Республикасининг “Ижро иши юритуви тўғрисида”ги қонунининг 60-моддасига асосан суд ижрочиси қарздор – фуқаро, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахснинг раҳбарларига ҳам давлатдан чиқишни чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чорасининг қўлланиши белгиланган.

Бу каби чеклов чоралар МДХ давлатларининг аксарият қисми қонунчилигида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида бундай чеклов мавжуд бўлмаганлиги сабабли давлат ижрочиси суд ёки бошқа органнинг қарздор-юридик шахсдан мулкӣ ёки мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган ундирувларни амалга оширишда муаммоларга дуч келмоқда. Бунинг натижасида суд ёки бошқа орган қарори ижросини ихтиёрий равишда таъминлашдан бош тортган юридик шахсга нисбатан чекловни қўллай олмайди ва бунинг натижасида ижро ҳужжатининг ижроси таъминланмасдан, ундирувчининг ҳуқуқлари бузилмоқда ҳамда суд ёки бошқа орган қарорининг ижроси таъминланмасдан қолмоқда.

Юқоридаги чет давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суд ёки бошқа органлар томонидан берилган ижро ҳужжатлари ижросининг таъминланиш самарасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунининг 42¹-моддасига қарздор – яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахснинг раҳбари (вазифасини бажарувчи)нинг ҳам Ўзбекистон Республикасидан четга чиқишини чеклаш мажбурлов чорасини киритиш ва Қонун нормасини “Қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш”, деб номлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунинг натижасида ҳозирги кунда ижроси таъминланмаётган ёки ундирувнинг имконияти бўлмасдан қайтарилаётган ижро ҳужжатлари миқдорининг камайиши, ундирув миқдорининг янада ошишига имконият яратилган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Закон Республики Казахстан “Об исполнительном производстве и статусе судебных исполнителей”
3. Закон Республики Беларусь “Об исполнительном производстве”.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 23 октябрдаги 52, 82, 27-сон қарори билан тасдиқланган “Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор-жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисида”ги Низом.

ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ



**Зулхумор
ИБРОХИМОВА,**
Тошкент давлат
юримдик универси-
тети докторанти

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида оила ва оилавий муносабатларга қарши жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, ЖКнинг “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” номли V бобида белгиланган оила институтига қарши тажовуз қиладиган айрим жиноятлар учун белгиланган жазо турлари, уларнинг миқдори, сўнгги йилларда тайинланган жазо статистик кўрсаткичлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Жумладан, муаллиф томонидан тайинланган жазо кўрсаткичлари бўйича энг кўп содир этиладиган ва энг кам содир этиладиган оилага қарши жиноятлар турлари аниқланиб, бунда нафақат амалда жиноят кўрсаткичлари пасайгани, балки латентлик даражаси ҳам мавжудлигига эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, мақоланинг хулоса қисмида жазо тайинлаш амалиётининг янада самарали бўлиши юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Оила, жиноят, жазо, суд, маъмурий жавобгарлик, шартли ҳукм, жазони алмаштириш.

Инсоннинг бутун ҳаёти давомида жисмоний, эмоционал ва ижтимоий ривожланиши кўп жиҳатдан оилага боғлиқ. Ҳиссий ривожланишга ахлоқий-психологик муҳит ва ундаги муносабатлар таъсир қилади. Оила ўрни шахснинг ижтимоий ривожланиши жараёнида ҳам беқийсдир, чунки оила томонидан маъқуллаш ёки бепарволик, шунингдек қўллаб-қувватлаши ёки қоралаши шахснинг ижтимоий истак ва интилишларида акс этади, қийин ҳаётини шароитларда қарор қабул қилишга ёрдам беради ёки тўсқинлик қилади, ўзгараётган ҳолатга ва янги ижтимоий шароитларга мослашишга кўмаклашади.

Олий суднинг статистик ҳисоботида оилага қарши жиноятлар тўғрисидаги маълумотларга кўра, 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган беш йиллик давр ичида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятлари мутлақ кўпчиликни ташкил этиб, шунга кўра, айнан шу жиноятлар бўйича жазо тайинлаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг-ча, Жиноят кодекси 122-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортиш учун асос шунда-ки, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, уларнинг турмуш даражаси ёмонлашишига, жиноий элементлар жиноий тажовузлар объектига айланишига олиб келиши мумкин (масалан, таъминотсиз қолган вояга етмаган шахсларни жиноят содир этиш, аксил

ижтимоий ҳаракатларни содир этишга жалб қилиш ва хоказо). Бундай ҳатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилигини юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар тасдиқлайди.

Мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик фақат вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаётган виждонсиз шахсга юридик таъсир ўтказишнинг бошқа усуллари қўлланилган бўлиб, бироқ суд ҳужжатлари талабларини лозим даражада ихтиёрий ижро этилишини таъминламаган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

Тадқиқ этилаётган жиноятлар учун жазо тайинлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқар эканмиз, Жиноят кодексининг 122-моддасининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратишимиз лозим:

биринчидан, ушбу модда қисмлари ўзаро жиноят субъектлари билан фарқ қилади;

иккинчидан, моддада турли хил жабрланувчилар тоифалари берилган (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахслар);

учинчидан, ушбу модданинг чекловлари беш хил жазо турини кўзда тутди (жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш).

Ўрганилаётган жиноят бўйича 350 та жиноят ишларни таҳлил қилиш натижасида, шундай хулосага келиш мумкинки, қоида тариқасида, айбдорга уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга мос келмайдиган жазо тайинланади.

ЖКнинг 122-моддаси бўйича жазо тайинлаш

Йиллар	Айбли деб топилган шахслар	Жарима	Мажбурий жамоат ишлари	Ахлоқ тузатиш ишлари	Озодликни чеклаш	Озодликдан маҳрум қилиш	Қамоқ
2015	2116	59	0	876	0	124	927
2016	2795	40	0	726	24	193	1243
2017	2485	81	36	1225	133	549	351
2018	351	7	2	91	59	179	-
2019	93	1	0	25	4	59	-
2020	452	2	0	113	28	271	-

ЖКнинг 122-моддаси ота-онанинг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларни тайинлашни белгилайди.

Жиноят кодекси 122-моддаси 1-қисми бўйича ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинганларнинг атиги 9,6 фоизига даромаднинг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш тайинланади, аксарият ҳолларда даромаднинг 10 фоизи ушлаб қолинади, бу умумий ўрганилган ишларнинг 71,1 фоизини ташкил этади. Жиноят кодексининг 122-моддасида бошқа жазо турлари мавжудлигига қарамасдан, судлар ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони анча кўпроқ белгилайдилар.

Ушбу маълумотлар вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазонинг нисбатан енгиллигидан далолат беради. Улар судланганларга хос бўлган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч қандай реал маҳрум бўлиш ёки чеклашни бошдан кечирмайдилар. Судлар нафақат тезкорлик билан ўтказилган суриштирув ёки тергов иши сифати пастлигига тоқат қиладилар, балки ўзлари ҳам шунга мос ҳукмларни чиқарадилар. Жумладан, ўрганилган ишларнинг қарийб 40,6 фоизда маҳкумларнинг аксидежтимоий ҳулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва усуллари, маҳкумнинг меҳнатга муносабати, жамиятдаги ва кундалик ҳаётдаги турмуш тарзи таҳлили деярли ўтказилмаган.

Ҳукмларда вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятининг ЖКнинг Умумий қисмидаги оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи белгилари акс этмаган. Судлар жазони маҳкумнинг шахсини чуқур ўрганмасдан қўллайдилар, бу доим ҳам асосли бўлмайди.

Тадқиқ этилаётган жиноятлар учун тайинланган жазоларнинг ижросини тўлиқроқ таҳлил қилиш учун, Олий суд статистик маълумотларига мурожаат қиламиз. Маълумотлар ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинганлар умумий сони муттасил пасайиб боришини кўрсатади. Шу билан бирга, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликка

тортилган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазонинг қўлланилиши сони тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Бунга бирон асосли сабаб топиш қийин, зотан қонунчиликда ахлоқ тузатиш ишларидан ташқари бир нечта жазо турлари мавжуд, бироқ судлар томонидан жарима, мажбурий жамоат ишлари ва озодликни чеклаш жазолари қўлланиши жуда паст даражада.

Бизнинг-ча, жиноят қонунчилигида белгиланган мақсадларга эришишда жазони ижро этиш инспекциялари ходимларининг иш юкламаси катта эканлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, жамиятдан ажратмасликни кўзда тутадиган жазоларни қўллашда жаҳон амалиётида битта ходимга мақбул юклама – 50 нафар маҳкум. Ҳолбуки, айрим инспекцияларда бир ходимга 200-300 ва ундан ортиқ маҳкум билан иш юритишга тўғри келади. Жазони ижро этиш инспекциялари ходимларининг катта иш юкламаси маҳкумлар билан индивидуал тарзда тегишли тарбиявий ишларни муваффақиятли олиб боришга имкон бермайди. Юқоридаги хулосаларнинг ҳаққонийлиги Жиноят кодексининг 48-модда 3-қисмида назарда тутилган тартибда, ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш ҳолатлари ортаётгани билан тасдиқланади.

Жумладан, Жиноят кодексининг 122-моддаси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган маҳкумлар сони, қуйидагича тақсимланади: 2015 йилда — 2,62%; 2016 йил — 1,98%; 2017 йилда — 3,3%; 2018 йилда — 4,3%; 2019 йилда — 5,3% ҳамда 2020 йилда — 6,4%.

Ушбу рақамлар ахлоқ тузатиш ишлари ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахслар сони доимий ўсиб бораётганидан дарак беради. Шу муносабат билан, жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари ва жиноят ишлари бўйича судьяларнинг ушбу муаммо юзасидан фикрини кўриб чиқиш қизиқиш уйғотади. Жиноят кодексининг 122-моддасида назарда тутилган чекловлар самарали ёки самарали эмаслиги сўралганида, сўровда қатнашган инспекция ходимларининг атиги 7 фоизи ва судьяларнинг 15 фоизи бунга “йўқ” деб жавоб берган, сўровномада қатнашган кўпчилик жавоб берувчилар эса мазкур чекловлар орқали мақсадларига эришиш мумкинлигини таъкидладилар. Демак, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахс-

ларни моддий таъминлаш ва мавжуд қарздорликни тўлаш вазифасининг амалда ижро этилмаслиги фақатгина жазолашга боғлиқ эмас.

Шу билан бирга, ахлоқ тузатиш ишларининг тузатувчи самараси анча чекланган, боиси, оила ва вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг моддий аҳволига салбий таъсир қилади.

Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати жиноят содир этган шахсга, иложи борица, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашдан иборатлигини инобатга олиб, озодликни чеклаш жазоси жиноий жазо сифатида жамиятимизнинг ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий талабларига жавоб беради ҳамда одил судловни инсонпарварлик ғоялари асосида амалга оширишда ижобий натижа беради¹.

Озодликни чеклаш жиноий жазо сифатида суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат (ЖКнинг 481-моддаси 1 қисми).

Айтиш жоизки, айрим амалиёт ходимлари “амалда бизда озодликни чеклаш мавжуд. Ахир шартли ҳукм, моҳиятан озодликни чеклаш эмасми? – дейишади. Негаки суд “шартли” ҳукм қилинган шахсга турли хил мажбуриятларни юклаши мумкин, жумладан: иш жойидан бўшамастик, алкогольизмдан даволаниш курсидан ўтиш ва бошқа”².

Қатор хорижий давлатлар, шу жумладан Англия ва Швеция тажрибасига мурожаат қилган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам жазони ижро этиш тизимида электрон мониторинг тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Болгария, Нидерландия, Италия каби бир қатор хорижий давлатларда ҳуқуқни қўлловчи органлар ушбу жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш каби жазо турининг самарадорлиги пастлигига амин бўлиб, жазонинг барча турлари ичида жарима жазосини энг самарали деб ҳисоблайдилар, чунки бу энг паст даражада рецидивни келтириб чиқаради, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларнинг илк марта судланган шахсларга салбий таъсирининг олдини олади³.

Бундан ташқари, АҚШ қонунчилиги ҳам бу борада судьяларга кенг имкониятлар очиб беради ва ҳаттоки том маънода судьяларни ушбу жазо чорасини қўллашга ундайди ҳам, бу айниқса, федерал қонунчилик нормаларининг тузилишида яққол намоён бўлади. АҚШда жарима ҳар қандай жиноят учун ҳам тайинланиши мумкин ҳисобланади. Масалан, Огайо штатининг Жиноят кодекси одам ўлдирганлик учун ҳам жарима солиш мумкинлигини кўзда тутди: бу ерда айбдор шахсга нисбатан ўлим жазоси ёки умрбод қамоқ жазоси тайинлашга нисбатан 25 000 доллар миқдорида жарима солиш кенг қўлланилади. АҚШда фелония учун жариманинг энг юқори миқдори Нью-Йоркда 5 000, Кентуккада 10 000, Огайо Жиноят кодексига эса 20 000 доллар этиб белгиланган⁴.

Бизнинг фикримизча, ушбу жазо вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаб юрган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилиши ноўрин, чунки алимент тўлаш учун айбдорлардан олинган маблағлар ёш болалар ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак, ҳолбуки жарима жазоси буни таъминлай олмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, агар “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 80-моддасида белгиланган талабгорларнинг даъволарини қаноатлантириш навбати масаласини кўрадиган бўлсак, жаримани ундириш олтинчи ўринда, алимент эса биринчи навбатда. Хўш, агар шахсда ёш болалар ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун маблағларни тўлаш учун пул йўқ бўлса, унда бу шахсларга жазо сифатида жарима солиш ўринли бўладими?

Жарима шаклидаги жазони ушбу жиноятнинг субъекти бўлган ота-оналарга қўлланилиши оилани қийин молиявий аҳволга солиб қўйиб, вояга етмаган жабрланувчиларнинг иккиламчи судланишига олиб келади.

Бизнинг-ча, айнан шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўлланилаётган жазолар ичида жарима тури тобора камайиб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда 2116 та шахс айбли топилган бўлса, шулардан 59 нафарига жарима жазоси қўлланилган, 2016 йилда – 2 795 та шахс айбли деб топилган, жарима 40 нафар маҳкумга тайинланган, 2017 йилда – 2 485 нафар шахс айбли деб топилган, улардан жаримага – 81 нафар маҳкум тортилган, 2018 йилда – 351 та шахс айбли деб топилган бўлса, жаримага атиги 7 нафар маҳкум ҳукм қилинган, 2019 йилда – 93 нафар шахс айбли деб топилган, жарима атиги 1 (!) нафар маҳкумга тайинланган, 2020 йилда эса 452 нафар шахс айбли деб топилган бўлса, жаримага атиги 2 нафар маҳкум ҳукм қилинган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш доирасида Жиноят кодексининг 122-моддаси санкциясига ўзгартириш киритиш ва вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо тури сифатида жаримани тайинлашда фақатгина расмий иш жойига эга, иш ҳақи эса Ўзбекистонда жазо тайинлаш қунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ортиқ бўлган шахсларга тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ходжиев Ю. Озодликни чеклаш тарикасидаги жазо ва унинг ҳуқуқий аҳамияти. // <http://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/detail.php?ID=20645>
2. Квартира строгого режима // Российская газета. 20 мая.
3. Штраф как вид наказания по действующему уголовному законодательству: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Р-н-Д, 2007. С. 8
4. Пайзуллаев Қ.П. Жарима жазосини ижро этиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДҲЮИ, 2007. - Б.9-10.



**Баҳодир
ҲАМРОҚУЛОВ,**
“Absolvo Bona
Fides” адвокат-
лик фирмаси
раҳбари, ю.ф.д.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИЛГАН МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги йилларда инсоният ҳаётини интернет, ижтимоий тармоқлар — “Telegram”, “Facebook”, ташкилотлар-у шахсларнинг сайтлари кабиларсиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Айниқса, глобал интернет тармоғининг жадаллашуви компьютерлар, планшетлар, смартфонлар ривожланишига олиб келдики, бу ўз навбатида кишиларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларига бўлган янги таҳдидлар ва хавф-хатарлар вужудга келишига замин яратди. Электрон воситалар бўлган телефон ва планшетлар бажарадиган вазифалар сони ва улар томонидан бажариладиган электрон ишларнинг кўлами ошиши ҳам бу жараёнга сезиларли таъсир кўрсатади.

Масалан, телефон орқали оддий расмга туширишдан ташқари, видео тасвирга олиш, олинган сурат ва видео материалларни қайта ишлаш, уларни бошқа электрон воситаларга узатиш, интернет тармоғи орқали ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, овозни ёзиб олиш ва тарқатиш каби мураккаб операцияларнинг жуда оддий тарзда ва бир неча лаҳзаларда амалга оширилиши ҳуқуқшунослик олдидан мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, интернет тармоғида ахборот алмашинув жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қоидаларни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

З.В.Вешкурцеванинг ёзишича, интернет тармоғидаги маънавий зиённи қоплашнинг иккита асосий муаммосини ажратиш мумкин: зиён етказувчини аниқлаш муаммоси ва далилларни қайд этиш муаммоси². Унинг ёзишича, мазкур иккала муаммони ҳал этиш ҳам катта молиявий харажатларни тақозо этади ва айрим ҳолатларда эса кўп вақт ва оворагарчиликларни талаб қилади-ки, шу боис кўп ҳолларда жабрланувчилар Интернет тармоғида етказилган зиённи талаб қилмайдилар.

Фикримизча, интернет тармоғи орқали етказилган маънавий зиённи компенсациялашни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги қонунчиликда ривожланиш даражасидан келиб чиқадиган бўлса ҳали шаклланиш босқичидадир. Дарҳақиқат, ҳозирда интернет тармоғида фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларнинг тарқалиши ёки бошқа маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг содир этилаётганлиги ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Бироқ, шахс электрон почта очганида, ижтимоий тармоқларда профиль ёки akkaунт тузганда улардан фойдаланиш тартибини белгилувчи келишув тақдим этилади. Унга рози бўлсангизгина фойдаланишга рухсат берилади. Бундай келишувларнинг деярли барчасида фойдаланувчига шаън, кадр-қимматни камситувчи маълумотларни тарқатмаслик мажбурияти белгиланган. Ҳатто ООО “Мэйл.Ру” томонидан тақдим этилган фойдаланувчилар учун келишув матнининг 5.2.2. бандида ҳар қандай зарар етказувчи, шу жумладан маънавий зиён етказувчи маълумотлар

тарқатиш, киритиш тақиқланиши кўрсатилган³. Бундай келишув талаблари фойдаланувчилар томонидан бузилиши оқибатида ушбу компаниялар фуқарони фойдаланиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сонли қарори билан интернетда маълумотларни тарқатишга оид низом тасдиқланган⁴ ва унинг 6 бандида “давлат ҳужжатлаштирилган ахборот давлат сири деб ҳисобланган ҳолларда ёки конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва кадр-қимматини поймол қилувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонун ҳужжатлари билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни ва бошқа ахборотларни жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳуқуқига эга” лиги кўрсатилган.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш Қоидалари⁵ 319 бандида абонент ва фойдаланувчиларнинг умумий мажбуриятларига телекоммуникация тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўйувчи ахборотни тарқатмаслик киритилган.

Лекин шунга қарамасдан, бундай ҳолатларни ҳар кун кузатиш мумкин. Бунда асосий муаммо етказилган маънавий зиённи қоплашда зиён етказувчини аниқлашдаги муаммолар интернет тизимида ўзга шахс номидан ёки мутлақо сохта ном остидаги сайт очиш, хабар қолдириш ёки одатдаги тарзда аниқлаш мумкин бўлмаган мураккаб тизимли маълумотлар қолдириш билан боғлиқдир.

Айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда интернетдаги ижтимоий тармоқларда хабар қолдиришни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидалар назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида блогер тушунчасининг таърифи келтирилган бўлиб, унга кўра, “блогер — интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахбо-

ротдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс⁶” ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 12¹-моддаси биринчи қисмида веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қандай мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслик ҳолатлари келтирилган бўлиб, улар жумласига “миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашушга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш”⁷ ҳам киритилган. Ушбу нормадаги “ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган интернет жаҳон ахборот тармоғи” атамаси қўлланилган бўлиб, ушбу тармоқ жумласига ижтимоий тармоқлар ҳам кирилади. Масалан, “Telegram”, “Facebook” каби тармоқларда кишига маънавий зиён етказиши мумкин бўлган хабар қолдириш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хабарлар қолдириш ҳолати кузатилиши мумкин. Шу сабабли қонунда веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер тармоқдаги ўзининг сайтига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаш мажбурияти юклатилган.

Бу борада халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, Франция томонидан 2018 йил 12 ноябрда “Кибер маконда ишонч ва хавфсизлик Париж чақируви” (“Paris Call for Trust and Security in Cyberspace”) меморандуми тақлиф қилинган⁸. Ушбу меморандум 51 та давлат ва бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда 370 дан кўпроқ имзо тўпланган.

Мазкур ҳужжатда келтирилишича, кибержиноятчилик ва ғаразли ҳаракатларнинг ривожланиши хусусий тусдаги маълумотларга, шунингдек инфратузилмаларнинг муҳим объектларига таҳдидни юзага келтиради. Онлайн маконда фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишни реал майдондаги каби амалга оширилишини таъминлаш учун давлатлар ҳамкорликда ҳаракат қилишлари билан бирга, хусусий сектор, тадқиқот доиралари ва фуқаролик жамиятидан ҳамкорларни жалб этиши лозим.

Бунда ким Париж чақирувини қўллаб-қувватласа, биргаликда қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим бўлади:

- онлайн-маконда ғаразли ҳаракатларга нисбатан олдини олувчи чоралар ва қаршиликни мустаҳкамлаш;

- Интернетнинг очиқлик ва яхлитлигини ҳимоя қилиш;

- сайлов жараёнларига аралашувларнинг олдини олиш учун ҳамкорлик қилиш;

- кибер-воситалар ёрдамида интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишига йўл қўймаслик устида биргаликда иш олиб бориш;

- зарар етказувчи кибер-дастурлар ва методлар тарқалиши ҳақида огоҳлантириш;

- рақамли маҳсулот ва хизматлар, шунингдек умумий “кибер-гигиена” хавфсизлигини ошириш;

- кибер-ёлланмачилик ва нодавлат субъектларнинг тажовузкор ҳаракатларига қарши чоралар кўриш;

- тегишли халқаро нормаларни мустаҳкамлаш устида биргаликда иш олиб бориш⁹.

Албатта, Париж чақирувида назарда тутилган мазкур талаблар онлайн маконда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда бир қатор имконият тақдим этади. Энг муҳими фуқарога маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган ғаразли маълумотлар жойлаштирилишининг олдини олиш, уларни тарқатувчи ҳуқуқбузарни топиш ва уларга нисбатан жавобгарлик чораларини юклаш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ушбу чақирувга қўшилган. Шунингдек, мазкур чақирув интернет тармоғидаги бир қатор йирик – “Microsoft”, “Google”, “Facebook”, “IBM”, “Oracle”, “Nokia” компаниялари томонидан ҳам қабул қилинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда интернетни ҳуқуқий тартибга солишда иккита ёндашув мавжудлиги қайд этилади. Биринчи ёндашув: интернет тармоғидаги муносабатларни ёхуд интернет тармоғидаги маълумот алмашишларни умуман тартибга солинмаслигига оид Калифорния ёндашуви; иккинчи ёндашув: онлайн-макондаги барча муносабатлар ва ахборот алмашинуви тўлиқ давлат томонидан тартибга солинишига оид Хитой ёндашуви мавжуд.

Дастлабки даврларда Интернет тўлиқ ўзини ўзи тартибга соладиган макон сифатида ифодалаган ва бунда ахборот алмашинуви иштирокчилари бетартиб шакланган хулқ-атвор нормалари, яъни ўзига хос “тармоқ” ахлоқи (netiquette)га риоя қилишган. Интернет-муносабатларида ўзини ўзи тартибга солишда маънавият, ахлоқ, одат ва анъана нормалари асос ҳисобланади¹⁰. Ўзини ўзи тартибга солиш доирасида иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг мослашувчан самарадорлигини ошириш имкони юзага келади, бунда бозор иштирокчилари маҳаллий ахборот ресурсларга кириш имкониятига эга бўлган ҳолда бизнеснинг ушбу соҳасини тартибга солувчи формал қоидаларни мустақил ўргатадилар¹¹.

Умуман олганда, бу баҳсда судья Истербрукнинг мушоҳадаси ўринлидек кўринади, чунки интернет ҳуқуқи ҳали тўлиқ интернетдаги муносабатларни қамраб олиш ёки уларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини амалга ошира олгани йўқ. Бундан ташқари, интернет-ҳуқуқини ҳуқуқ соҳаси сифатида этироф этишда унинг мураккаблигини инобатга олиш

зарур ва ижтимоий муносабатларни мазкур соҳага бирлаштирувчи асосий ва бош омил уларни виртуал маконда юз бериши саналади ва бу борада кибер ҳуқуқни ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этган И.Рустамбековнинг фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин¹².

Маънавий зиёни қоплашни кибер ҳуқуқ предмети сифатида таҳлил этадиган бўлсак, бу вазиятда интернетда юз берган зиён етказувчи маълумотлар ва уларни тарқатган шахсни аниқлаш вазифаси бирламчи омил саналади. Албатта, маънавий зиён етказувчи маълумотларнинг тарқатилганлиги фактини турли ижтимоий тармоқлар орқали аниқлаш ва билиб олиш мумкин, лекин уни тарқатувчиси ким эканлигини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш бир қадар мушкулдир. Бу ўринда зиён етказувчи маълумотлар тарқатилган сайт ёки ижтимоий тармоқ эгасидан бу маълумотни аниқлаштириш ўта мураккаб жараён. Тўғри, бу ҳолатда зиён етказувчи маълумотларни тарқатган шахс аниқ бўлса, етказилган маънавий зиёни қоплашга нисбатан фуқаролик қонунчилиқдаги мавжуд анъанавий конструкцияларни қўллаш мумкин бўлади. Масалан, машҳур хонанда давлат органи ходимларининг шаънини камситувчи маълумотларни жонли эфир орқали “Facebook”, “Telegram”, “Instagram” ва бошқа тармоқларда тарқатди ва ўзини кимлигини ҳам яширмади, дейлик. Бу ҳолатда етказилган маънавий зиёни ундиришга нисбатан Фуқаролик кодексининг 100-моддаси қоидалари қўлланилади. Фуқаролик кодексининг 100-моддаси саккизинчи қисмида фуқаро етказилган маънавий зиён компенсациясини талаб қилиши мумкинлиги белгиланган ҳамда ушбу моддада зиён келтирувчи маълумот қайси оммавий ахборот воситасида эълон қилинган бўлса, раддия ҳам шу оммавий ахборот воситасида берилиши кераклиги назарда тутилган, аммо ижтимоий тармоқларни оммавий ахборот воситаси сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексининг 100-моддаси учинчи қисмига “оммавий ахборот воситаларида” жумласидан кейин “ижтимоий тармоқларда” жумласини киритиш лозим бўлади. Бундай ўзгартириш бугунги кунда интернетда маълумот ва фикр беришда ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслик бўйича қоидага риоя этиш масъулиятини яна оширади.

Агар ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни қолдирган шахс кимлиги аниқ бўлмаса, уни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали топиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатган шахсларга нисбатан тегишли жазолар тайинланаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро Odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғида тарқатган видеолавҳасида туман ҳокими 15-20 гектар ерни 5-10 минг АҚШ долларидан сотиб юборганини айтиб, уни жуда кўп миқдорда пора олганликда айблаган. Айбланувчи қилган тухмати ва

фирибгарлиги учун 1 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган¹³.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексига интернет тармоғида етказилган маънавий зиёнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини инобатга олувчи ва бундай зиёни қоплаш механизми ва тартибини назарда тутувчи махсус қоидалар мавжуд эмас. Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан интернет тармоғидаги хавф-хатарларнинг юқори эканлигидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексига “Интернет тармоғида етказилган маънавий зиёнинг қопланиши” номли алоҳида моддани киритиш зарурати мавжуд. Бу нормада интернет тармоғидаги сайт ёки ижтимоий тармоқ эгасига фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларни жойлаштирамаслик ёки маънавий зиёни келтириб чиқарувчи маълумотларни тарқатмаслик мажбуриятини юклаш ва уни бажармаган ҳолларда етказилган маънавий зиён учун жавобгарликни белгилаш лозим. Бу вазиятда сайт ёки ижтимоий тармоқ эгаси зиён етказувчи ким эканлиги ҳақида аниқ маълумотларни бериши ёки маънавий зиён учун жарима тўлаши лозим бўлади. Ушбу модда Фуқаролик кодекси 1022²-моддасида назарда тутилиши ва қуйидаги таҳрирда бўлиши лозим.

1022²-модда. Интернет тармоғида етказилган маънавий зиёнинг қопланиши.

Интернет тармоғидаги сайт ёки ижтимоий тармоқ эгаси фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларни жойлаштирамаслиги ёки маънавий зиёни келтириб чиқарувчи маълумотларни тарқатмаслиги лозим. Бундай маълумотларни жойлаштирган ёки тарқатган шахс фуқарога етказилган маънавий зиёни қоплаши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбеков И.Р. Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш: юрид. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент: 2017. – 14 б.
2. Вешкурцева З.В. Компенсация морального вреда при нарушении личных немущественных прав и при посягательстве на нематериальные блага: автореф. дис. канд. юрид. наук. – М.: 2018. – 21-22 с.
3. Пользовательское соглашение сервисов Mail.ru. <https://help.mail.ru/legal/terms/common/ua>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сонли “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларини узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами”, 1999 й., №3, 17-модда.
5. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш Қоидалари [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3275-сон билан рўйхатдан ўтказилган]. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2020 йил 24 август, 33-сон, 388-модда.
6. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 6-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.
8. Ўзбекистон Франция Президентининг интернетни тартибга солиш тўғрисидаги режаларига қўшилди. <http://ks.uz/post/ozbekiston-frantsiya-prezidentining-internetni-tartibga-solish-togrisidagi-rezhalariga-qoshildi>
9. Парижский призыв к доверию и безопасности в киберпространстве https://www.diplomatie.gouv.fr/MG/pdf/appel_de_paris_en_russe_cle8a41ae.pdf
10. Лебедева Н.Н. Право. Личность. Интернет. – М.: 2004. – 126 с.
11. Андрияиов В.Д. Бюрократия, коррупция и эффективность государственного управления. – М.: 2009. – С. 175.
12. Рустамбеков И.Р. Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш: юрид. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент: 2017. – 24 б.
13. Ҳокимга тухмат қилган шахс озодликдан маҳрум этилди. <https://uznews.uz/uz/article/14223>

**Мурод ЧОРИЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси, ю.ф.д., доцент

**Жамолiddин АХМЕДОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси

ГЕРМАНИЯ, КВЕБЕК (КАНАДА) ВА ФРАНЦИЯ МАМЛАКАТЛАРИДА ҲАДЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада хорижий мамлакатларда, хусусан Германия, Квебек ва Францияда ҳадя муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳадя, ҳадя қилувчи, ҳадя олувчи, мулк, мулк ҳуқуқи, битим, шартнома, реал шартнома, консенсуал шартнома.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье анализируются гражданско-правовое регулирование дарственных отношений в зарубежных странах, в частности Германии, Квебека и Франции, на основе которых выдвигаются предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: дарение, даритель, одаряемый, имущество, имущественные права, сделка, договор, реальный договор, консенсуальный договор.

ANNOTATION:

This article analyzes the civil law regulation of gift relations in foreign countries, in particular Germany, Quebec and France, on the basis of which proposals are put forward to improve national legislation.

Basic words: gift, donor, donee, property, property rights, transaction, contract, real contract, consensual contract.

Германия фуқаролик тузукларида ҳадя шартномаси 19 та параграф (516-534 параграфлар)ни ўз ичига олган алоҳида “Мажбурият ҳуқуқи” деб номланган иккинчи китобни, “Мажбуриятнинг алоҳида турлари”-га бағишланган VII-бўлимнинг “Ҳадя” тўғрисидаги 2-бобини ташкил этади. Германия фуқаролик тузуклари 516-параграфи 1-қисмига кўра, агарда икки тараф ҳам рози бўлса ҳамда бу текинга амалга оширилса, бир шахснинг ўз мулки ҳисобидан бошқа шахсни бойитиши ҳадя шартномаси деб тан олинади¹. Ушбу тушунчадан англашиладики, Германия фуқаролик тузуклари ҳадя билан боғлиқ муносабатларни шартномавий мажбурият сифатида эътироф этади ва бунинг асосий сабаби икки тараф розилигидир.

Германия фуқаролик тузукларида ҳадя шартномасининг амал қилиш доираси аниқ чегаралаб қўйилган. Хусусан, кимдир бошқа шахснинг фойдасига мулкни қўлга киритишдан ўзини тийиши ёки ўзига тегиши мумкин бўлган, бироқ тўла ҳуқуқни қўлга киритмаган мулкдан ёхуд меросдан воз кечиши ҳадя бўлиши мумкин эмас (ГФТ 517-параграф). Германия фуқаролик тузукларига кўра, ҳадянинг объектига фақатгина ҳадя қилувчига тегишли бўлган ашёларгина эмас, балки ҳадя қилувчи келажакда қўлга киритиши мумкин бўлган ашёлар ҳам киради. Шунингдек, ГФТ ҳадянинг объекти сифатида келажакда қўлга киритилиши мумкин бўлган ашёларни назарда тутиш билан биргаликда, бундай ашёларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳадя қилувчининг жавобгарлигини назарда тутувчи махсус нормаларни ҳам мустаҳкамлаган. Бундан ташқари, ҳадя қарз мажбуриятини ўтказиш ёки мавжуд қарзни тан олиш кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин (ГФТ 518-параграф 1-қисми)².

Германия фуқаролик тузуклари ҳадя қилувчи мулкнинг камайиши ҳисобига ҳадя олувчи мулкнинг кўпайишини ҳисобга олади. Бу ҳадя қилувчига муайян вазиятлар юз берганда ваъда берилган ҳадяни рад қилиш, шунингдек бажариб бўлинган ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини берувчи нормаларда ўз ифодасини топган. Агарда ҳадя қилувчи ўзининг бошқа мажбуриятлари билан биргаликда ваъда берилган ҳадяни бажариш имкониятига эга бўлмаса ҳадяни рад қилиши мумкин. Масалан, ҳадя шартини бажариш ҳадя қилувчининг турмуш даражасини тушириб юборса ёки бошқа шахслар (масалан, ота-она ёки фарзандлари)ни моддий таъминлаши бўйича мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилса, ваъ-

да берилган ҳадяни рад қилиш ҳуқуқига эга (ГФТ 519-параграф 1-қисми)³.

Ҳадя олувчи томонидан ҳадя қилувчи ва унинг яқин қариндошларига нисбатан ножўя хатти-ҳаракат содир қилинса ва бу билан қўпол ношукурчилигини билдирсагина ҳадя бекор қилиниши мумкин. Агарда ҳадя олувчи қасддан ҳадя қилувчини ҳаётидан маҳрум қилса ёки ҳадя қилувчини ҳаётидан маҳрум қилиш орқали ҳадяни бекор қилинишига тўсқинлик қилса, ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи ҳадя қилувчининг ворисларига ўтади. Ҳадяни бекор қилиш ҳадя олувчига нисбатан даъво аризаси бериш орқали амалга оширилади. Ҳадя бекор қилиниши оқибатида мулк ҳадя қилувчига қайтарилади (ГФТ 530, 531-параграфлар)⁴.

Таъкидлаш жоизки, ҳадя қилувчи томонидан уни бекор қилишнинг қонуний чегаралари белгиланган. Хусусан, ҳадя қилувчи ҳадя олувчини кечирган бўлса ёки ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ушбу ҳуқуқни амалга ошириш шартлари вужудга келганини билган пайтдан бошлаб бир йил муддат ўтиб кетган бўлса, ҳадяни бекор қилишга йўл қўйилмайди (ГФТ 532-параграф). Ҳадя маънавий мажбурият ёки одобахлоқ қоидалари асосида амалга оширилган бўлса бекор қилинмайди (ГФТ 534-параграф)⁵.

Бундан ташқари ҳадя қилувчи ҳадяни бекор қилмасдан, ўзининг моддий аҳволи оғирлашганлиги сабабли ҳадяни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Бу ерда гап ҳадя қилувчи ҳадяни амалга оширганидан сўнг муносиб турмуш тарзини кечириш ёки унинг қонуний мажбуриятлари ҳисобланган яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки собиқ турмуш ўртоғини таъминлаш имкониятини йўқотиши тўғрисида бормоқда. Бундай ҳолатда асоссиз бойлик орттиришни тартибга солувчи қоидалар ўзига хос тарзда қўлланиладики, унга кўра, ҳадя олувчига ҳадя қилувчи ва унинг яқин қариндошларини зарур даражада моддий таъминлашга етарли суммани тўлаб бериш шarti билан ҳадяни қайтаришни рад қилиш ҳуқуқи берилади (ГФТ 528-параграф)⁶.

Ҳадя қилувчининг бир томонлама мажбуриятнинг субъекти сифатидаги алоҳида ҳолати уни мажбуриятларни бажаришини кечиктирганлиги учун тўланадиган фоизлардан озод қилади (ГФТ 522-параграф). Ҳадя қилувчининг ўз мажбуриятларини қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик натижасида бажармаганлиги унинг жавобгарлигини келтириб чиқаради (ГФТ 521-параграф). Ушбу умумий қоидани ГФТнинг ҳадя қилувчининг аниқ ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги тўғрисидаги нормалар тўлдирди. Масалан, ҳадя қилувчи ҳадя қилинган ашё ёки унга тақдим этилган ҳуқуқнинг камчилигини қасддан яширса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчига бунинг оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплайди (ГФТ 523-параграф 1-қисми, 524-параграф)⁷.

Ҳадя қилувчи ҳадя олувчига келажакда қўлга киритиши мумкин бўлган мулкни ваъда қилиб, уни қўлга киритган пайтида камчиликлари ҳадя қилувчига маълум бўлса ҳадя олувчи ушбу ашёни камчиликлардан холи бўлган худди шундай ашё билан алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агарда ҳадя қилувчи бу камчиликларни қасддан яширган бўлса, олувчи ашёни алмаштириш ўрнига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (ГФТ 524-параграф 2-қисми)⁸.

Квебек Фуқаролик кодексига ҳадя шартномасига 36 модда (1806-1841 моддалар)дан иборат алоҳида боб, “Мажбуриятлар тўғрисида”ги V китобнинг “Номланган шартномалар тўғрисида”ги иккинчи титули “Ҳадя тўғрисида”ги 2-боби бағишланган. Квебек Фуқаролик кодексига ҳадя деганда шундай шартнома тан олинадики, унга кўра ҳадя қилувчи мулкни бошқа бир шахс, яъни ҳадя олувчига текинга мулк қилиб беради, шунингдек, аниқ бир шахсга тегишли бўлган ҳар қандай ҳуқуқ ҳадя асосида ҳадя олувчига берилиши мумкин (КФК 1806-модда)⁹.

Квебек Фуқаролик кодексининг ҳадя шартномасига бағишланган дастлабки нормалари икки асосий турга ажратилганини кўришимиз мумкин: тириклар ўртасидаги ҳадя ва вафот этгандан кейинги ҳадя. Тириклар ўртасидаги ҳадя ҳадя қилувчини ҳаётлик пайтида мулкка эгалик қилишдан маҳрум этиб, ҳадя қилувчини ҳадя олувчи олдида қарздор қилиб қўяди (КФК 1807-модда). Вафот этгандан кейинги ҳадяда эса ҳадя қилувчининг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши унинг ўлими билан боғлиқ бўлиб, мулк ҳадя олувчига ўша пайтдан бошлаб ўтади (КФК 1808-модда)¹⁰.

Бир қарашда континентал ҳуқуқ тизими нуқтаи-назаридан вафот этгандан кейин ҳадянинг эътироф этилиши шубҳа уйғотади. Чунки, бундай шартнома ворислик ҳуқуқи институтлари билан бевосита тўқнаш келиб қолади. Бироқ, Квебек Фуқаролик кодекси алоҳида қоида билан ҳаммасини ўз ўрнига қўйган бўлиб, унга кўра вафот этгандан кейинги ҳадя агарда никоҳ шартномаси билан расмийлаштирилмаган ёки легат¹¹ билан тасдиқланмаган бўлса ҳақиқий ҳисобланмайди (КФК 1819-модда). Бундан ташқари, ҳадя қилувчининг ўлим хавфини солувчи касаллик пайтида тузган ҳадя шартномаси, у вафот этиш ёки вафот этмаслигидан қатъий назар ҳақиқий ҳисобланмайди. (КФК 1820-модда)¹².

Квебек Фуқаролик кодексига кўра, ҳадя шартномасининг амал қилиш доираси ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан¹³ фарқли ўлароқ Квебек Фуқаролик кодексига ҳадяни ваъда беришни ҳадя шартномаси сифатида тан олмайди, балки алоҳида бир тарафлама мажбурият сифатида кўради. Унга кўра, бе-

рилган ваъдадан фойда олувчи ваъда берган шахсдан, агарда у ўз ваъдасини бажармайдиган бўлса етказилган барча зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (КФК 1812-модда). Шу билан биргаликда ҳада шартномаси тўғрисидаги нормалар эгри ва яширин ҳадяларга (КФК 1811-модда), шунингдек, мукофотлайдиган ҳада ва мажбурият юкловчи ҳадяларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда ҳадянинг қиймати мукофот ёки юкланган мажбурият қийматидан юқори бўлиши лозим (КФК 1810-модда)¹⁴.

Квебек Фуқаролик кодексида ҳадыга нисбатан бир қанча таъқиқ ва чекловлар назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, вояга етмаганлар ёки муомала лаёқати чекланганлар (ҳаттоки васий ва хомийлари иштирокида бўлса ҳам) унча катта қийматга эга бўлмаган ёки оддий совғалардан ташқари ҳада қилишга ҳақли эмас (КФК 1813-модда). Даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасалари мулкдори, директори ёки хизматчиларига ҳада қилувчи ушбу муассасада даволанаётган ёки ижтимоий таъминот олаётган вақтда қилган ҳадяси, шунингдек, асраб олинган оила аъзоси ўша оила билан бирга яшаётган вақтда (яъни, вояга етмаган бўлса) оила аъзоларига қилган ҳадяси ҳам ҳақиқий саналмайди (КФК 1817-модда)¹⁵.

Квебек Фуқаролик кодекси келажакда қўлга киритиладиган мулкни ҳада қилишни тириклар ўртасидаги ҳада шартномаси объектлари қаторидан истисно қилади ҳамда бу КФКнинг ҳада ваъдасини шартнома сифатида тан олинмаслиги ифодаланган қонунга мос келади. Тириклар ўртасидаги ҳада фақатгина аниқ мавжуд бўлган мол-мулклар бўйича тузилсагина ҳақиқий ҳисобланади. Келажакда қўлга киритиладиган мол-мулкни ҳада қилиш эса вафот этгандан кейин ҳада қилиш шартномаси орқали амалга оширилсагина тан олинади (КФК 1818-модда)¹⁶.

Квебек Фуқаролик кодексида ҳада шартномасининг шаклига нисбатан қатъий талаблар ўрнатилган: кўчар ҳамда кўчмас мулк билан боғлиқ ҳар қандай ҳада шартномаси ҳақиқий эмас деб топиллиши хавфи остида нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Бунда шартноманинг асосий нухаси нотариусда сақланади ва у томонидан эълон қилинади (КФК 1824-модда). Фақатгина кўчар мулк тарафларнинг розилиги билан ҳада қилинган бўлса, ҳада олувчига берилганлиги ва ҳада олувчи унга эгалик қилаётганлиги тасдиқланган ҳолатлар истисно қилиниши мумкин.

Квебек Фуқаролик кодексида ҳада шартномасини ҳадыга мажбурият юклаган ёки учинчи шахслар фойдасига шарт белгиланган ҳолда тузишга ҳам йўл кўяди (КФК 1830-модда). Бундай ҳолатда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳада олувчи ҳада қилувчининг фақатгина унга ҳада қилин-



ган актив ва пассивларининг йиғиндиси билан боғлиқ қарзлари бўйича жавоб беради. Бундан ташқари, агарда ҳадяни қабул қилиш пайтида ҳадыга мажбурият юкланганда, ҳада олувчи учун мажбуриятни бажариш имкони бўлмаса ёки унга оғирлик қилса, ҳада олувчининг хоҳиши ёки бошқа ҳолатларга кўра ҳадянинг қиймати ҳисобга олиниб суд томонидан ҳадыга юкланган мажбурият ўзгартирилиши ёки умуман бекор қилиниши мумкин (КФК 1831, 1834-моддалар)¹⁷.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда ҳада қилувчи учун салбий оқибатлар фақатгина ҳада олувчининг манфаатларига зарар етказувчи қасддан қилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учунгина назарда тутилган. Ҳада қилинган мулкдаги камчиликлар учун ҳада қилувчининг жавобгарлиги ҳам худди шу тартибда белгиланади: ҳада қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳада олувчига етказилган зарар учун, агар бу камчиликларни ҳада қилинаётган пайтда ҳада қилувчи билган ва ҳада олувчидан яширган бўлса, ҳада қилувчи жавобгар бўлиб ҳисобланади (КФК 1828-модда).

Ҳада қилувчига ҳада олувчининг ношукурчилиги сабабли ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи берилади (КФК 1836-модда). Таъкидлаш жоизки, ҳадяни ҳада қилувчининг бир томонлама ариза-сига кўра бекор қилишни назарда тутувчи Германия қонунчилигидан фарқли равишда, КФКга кўра ҳадяни бекор қилиш фақатгина суд тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги даъво фақатгина ҳада қилувчининг ҳаётлик даврида ҳамда ҳада олувчининг ношукурчилиги ҳада қилувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил давомида берилиши мумкин. Ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги даъво муддати давомида ҳада қилувчининг вафот этиши, ворисларининг даъво қилиш ҳуқуқини бекор қилмайди, бироқ ҳада қилувчининг ворислари бундай даъвони ҳада қилувчининг вафотидан сўнг бир йил давомида бериши лозим. Суд томонидан ҳадянинг бекор қилиниши ҳада олувчига олган нарсаларини қайтариш мажбуриятини юклайди.

Бугунги кунга қадар амалда бўлиб турган ва йиллар синовидан ўтган Франциянинг 1804 йилги Фуқаролик кодекси қадимги Римнинг энг охириги ҳада конструкциясини ўзида ифодалаган. Француз қонун чиқарувчилари ҳада институтини 893-1100 моддаларни ўз ичига олган “Тириклар ўртасидаги ҳада ва васиятлар тўғрисида”ги



бобда мустаҳкамлаган бўлиб, у ворислик ҳуқуқи ва шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги боблар оралигида жойлаштирилган¹⁸.

Француз Фуқаролик кодексининг 893-моддаси ҳада (васият)ни “ўз мол-мулкни куйида кўрсатилган шаклда текинга тасарруф қилиши” сифатида тушунтиради. Куйида яъни Кодекснинг 894-моддасида аниқлик киритилади: “Тириклар ўртасидаги ҳада шундай ҳаракатки, унинг воситасида ҳада қилувчи ўзини ҳақиқатда ва қайтмаслик шarti билан ҳада олувчи фойдасига воз кечаётган ашёдан маҳрум қилади, ҳада олувчи эса уни қабул қилади”. Шундай қилиб, ҳаданинг дастлабки французча ҳуқуқий талқини классик Рим ҳуқуқий конструкциясига жуда яқинлигини кўришимиз мумкин. Франция фуқаролик қонунчилиги бўйича ҳам ҳада шартномасини тузишда ҳада олувчининг розилиги норматив тарзда ўз ифодасини топган. Француз Фуқаролик кодексининг ҳада тўғрисидаги кейинги меъёрлари ҳам классик Рим ҳуқуқий меъёрларига жуда ўхшашдир. Хусусан, ФФК 931-моддасига кўра, “тириклар ўртасидаги ҳада муносабатларини ўрнатувчи ҳар қандай акт оддий шартнома шаклида нотариус хузурида амалга оширилиши шарт...”. Француз фуқаролик қонунчилигига кўра ҳаданинг ҳуқуқий табиатини ФФК 939-моддаси қоидалари очиб беради. Унга кўра, “Тегишли тартибда қабул қилинган ҳада, тарафларнинг розилиги асосида амалга оширилади; ҳада қилинган ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи бошқа ҳар қандай ҳаракатларсиз ҳада олувчига ўтади”¹⁹. Ушбу таърифдан ҳаданинг ўзига хос муҳим жиҳатларини англаш мумкин, биринчидан ҳада амалга оширилиши учун ҳада олувчининг розилиги шарт, бу ўз навбатида француз фуқаролик қонунчилиги бўйича ҳаданинг шартнома эканлигини тасдиқлайди. Иккинчидан, ҳада амалга оширилган пайтдан бошлаб ҳада қилинган ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳада олувчига ўтади.

Француз фуқаролик қонунчилиги тириклар ўртасида шартнома асосида бутун мол-мулкни ёки унинг бир қисмини вафот этгандан сўнг ҳада қилишни таъқиқлайди²⁰. Бундан кўришиб турибдики, Француз фуқаролик қонунчилиги вафот этгандан сўнг қилинадиган ҳада ни васият сифатида кўради.

Француз қонунчилиги ҳада шартномасининг шаклига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ФФК 931-моддасида ҳақиқий эмас деб топилиш хавфи остидаги ҳар қандай оғзаки ҳада шартнома-

си ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқланишини қатъий қилиб қўяди. Нотариус хузурида амалга оширилган ҳада шартномасининг асли унинг ўзида сақланади²¹.

Ҳада шартномасининг субъектларига нисбатан талаблар ФФК 901-912 моддаларида ўз ифодасини топган. ФФК 901-моддасига кўра, ҳада ва васиятнинг кучда бўлиши учун уни амалга ошириш пайтида ҳада қилувчи ва васият қилувчи соғлом ақл-хушга эга бўлиши лозим. ФФК 902-моддасига кўра, ҳар ким ҳада, шунингдек васият бўйича бирор бир нарсани қўлга киритиши ва тасарруф этиши мумкин, фақат қонун бунга лаёқатсиз деб топган шахслар бундан истисно қилинади²².

Франция фуқаролик қонунчилигида ҳада қилишни таъқиқловчи қоидалар ҳам белгиланган. Хусусан, вояга етмаган шахсларга (ФФК 903-904 моддалари), вояга етган шахсларга ўзларининг собиқ хомийларига нисбатан (ФФК 907-модда), турмушга чиққан аёлларга турмуш ўртоғи ҳаётлик даврида унинг рухсатисиз ёки суднинг қарорисиз (ФФК 905-моддаси) ҳада қилишни таъқиқлайди. Бундан ташқари шифокорлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги мансабдор шахслар ва аптекарлар ўзларининг назорати остида даволаниб вафот этган шахсдан унинг даволанаётган даврида қилган ҳада ва васияти бўйича ҳеч нарса олишга ҳақли эмас (ФФК 909-модда)²³.

Хайр-эҳсон учун, қандайдир камбағаллар жамоаси ёки умумфойдали муассасаларга ҳада ва васият қилиш ҳукуматнинг ҳада ёки васиятни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади (ФФК 910-моддаси)²⁴.

Франция фуқаролик қонунчилигида ҳада ни бекор қилишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, махсус қоидалар ФФК 953-966 моддаларида ўз ифодасини топган. ФФК 953-моддасига кўра, ҳада қилинаётган пайтда қўйилган шартлар бажарилмаганда, ҳада қилувчига нисбатан ҳада олувчи томонидан ношукурлик қилинганида ва ҳада қилинганидан кейин фарзандлар туғилганида ҳада бекор қилиниши мумкин. Ҳада у бўйича белгиланган шартлар бажарилмаслиги оқибатида бекор қилинганида мулк ҳада қилувчига ҳада олувчининг хатти-ҳаракати билан вужудга келган ҳар қандай мажбурият ва ипотекадан озод ҳолда қайтарилиши шарт. (ФФК 954-модда)²⁵.

Таъкидлаш жоизки, ФФК ҳада олувчининг ношукурчилиги ҳолатларини алоҳида санаб ўтади. Жумладан ФФК 955-моддасига кўра ҳада ношукурчилик туфайли қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

➡ ҳада олувчи ҳада қилувчининг ҳаётига суиқасд қилганда;

➡ ҳада олувчи ҳада қилувчига нисбатан қўпол муомалада бўлганликда, қонунга хилоф хатти-ҳаракат ва қўпол ҳақорат қилганликда айбдор деб топилганда;

➔ ҳада олувчи ҳада қилувчини таъминлашдан бош тортганда.

Яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш жоизки, ФФК 959-моддасига кўра, никоҳ муносабати билан қилинган ҳадылар ношукурчилик ҳолати бўйича бекор қилиниши мумкин эмас²⁶.

Хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигидаги ҳада муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг юқоридаги таҳлилидан келиб чиқиб куйидаги хулосаларни билдиришни лозим топдик:

биринчидан, миллий ва хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигидаги ҳада тушунчасини очиб берувчи нормаларнинг таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак Германия Фуқаролик тузуқлари ва Франция фуқаролик кодексларида ҳада олувчининг розилиги норматив қоида сифатида мустақамлаб кўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида ҳада шартнома сифатида тан олинсада норматив қоида сифатида ўз ифодасини топмаган. Бизнинг фикримизча, Германия ва Франция тажрибасидан келиб чиқиб, ҳада олувчининг розилигини норматив шаклда ифодалаш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида ҳада олувчининг розилигини ифодаловчи ҳада тушунчасини бериш мақсадга мувофиқ. Норманинг ушбу таҳрирда ифодаланиши биринчи навбатда ҳадыннинг шартнома сифатидаги тушунча эканлигини тўла қамраб олиб, ҳада олувчининг розилиги белгисини тўла очиқ беради ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги турли салбий ҳолатларнинг олдини олади;

иккинчидан, Германия, Квебек ва Франция фуқаролик қонунчилигида ҳадын бекор қилиш асоси сифатида ҳада олувчи ношукурчилигининг барча кўришилари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига эса фақатгина ҳада олувчи ҳада қилувчи ва унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлигига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳоллар назарда тутилган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 507-моддасида ҳадын бекор қилиш асоси сифатида ҳада олувчининг ҳар қандай кўринишдаги қўпол хатти-ҳаракати аниқ назарда тутилиши лозим;

учинчидан, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчилигимизда ҳада билан пора орасидаги чегаранинг белгиланмаганлиги жиноий ва фуқаролик қонунлари ўртасида зиддиятларни вужудга келтириб, тармоқлараро ҳуқуқий қарама-қаршиликларни юзага чиқармоқда. Мазкур қарама-қаршиликлар фуқаролар хатти-ҳаракатини баҳолашга нисбатан турлича ёндашувларни келтириб чиқаради. Кўрсатиб ўтилган тармоқлараро қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Франция ва Квебек тажрибасини

инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ҳада шартномасини тартибга солувчи бобига ҳадын таъқиқловчи норма киритилиши ва унда мансабдор шахслар, шунингдек, давлат ташкилоти ёки бошқа ташкилотларда бошқарувчилик вазифасини бажараётган шахслар учун ҳада олиш унинг мақсади, тури ҳамда қийматидан қатъи назар таъқиқланади, деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Германское гражданское Уложение. М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 137.
2. Германское гражданское Уложение. -М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 138.
3. Германское гражданское Уложение. -М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 139.
4. Германское гражданское Уложение. -М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 139.
5. Германское гражданское Уложение. М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 140.
6. Германское гражданское Уложение. М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 140.
7. Германское гражданское Уложение. М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 140.
8. Германское гражданское Уложение. М.: Wolters Kluwer, 2011. –С. 139.
9. Гражданский кодекс / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 273.
10. Гражданский кодекс / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 272.
11. Легат – Рим ҳуқуқида ёзма ёки оғзаки васиятда муайян шахс фойдасига ҳадын назарда тутувчи махсус шакл бўлиб, унга кўра ҳада олувчи пассив ворислик лаёқатига эга бўлган. Легатарий (ҳада қилувчи вофот этгандан кейин ҳада олувчи шахс) меросдан васият қилувчининг барча қарзлари қоплангандан кейин ҳада олиши мумкин бўлган. / Қаранг: Римское частное право. Учебник / Под ред. И.Б. Новицкого и И.С. Перетерского. М.: Новый юрист, 1998. -С. 426.
12. Гражданский кодекс / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 272.
13. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси 3-қисми / www.lex.uz
14. Гражданский кодекс Квебека / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 275.
15. Гражданский кодекс Квебека / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 301.
16. Гражданский кодекс Квебека / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 301.
17. Гражданский кодекс Квебека / Науч. ред. О. М. Козырь, А. А.Маковская; Пер. с англ. и фр. Г. Е. Авилова и др.; Автор введения Д. Е. К. Брайерли. -М.: Статут, 1999. –С. 301.
18. Гражданское право Франции в 2 Т. Жюллио де ла Морандьер.: Т 2. Изд. "Иностранная литература". -М., 2011. –С. 114.
19. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 419.
20. Гражданское право Франции в 2 Т. Жюллио де ла Морандьер.: Т 2. Изд. "Иностранная литература". -М., 2011. –С. 116.
21. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 421.
22. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 419.
23. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 419.
24. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 419.
25. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 425.
26. Гражданский кодекс Франции (Кодекс Наполеона). Code civil des Français (Code Napoléon) / перевод с французского В.Н. Захватаева. –Москва-Берлин: Инфотропик, 2012 г. -С. 425.



Толиб БОЙЗОҚОВ,
Самарқанд вилоят
суди раиси
ўринбосари

МАЪНАВИЯТЛИ ОИЛА – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши кураш аслида оилаларда соғлом турмуш тарзи яратиш, соғлом муҳит яратиш асосида бўлиши керак. Меҳр-оқибатли, аҳил, ўқимишли, маънавият ва маданият даражаси юксак бўлган оила вакиллари жамиятнинг асосий бўгинини ташкил қилсагина жуда кўп иллатларга ечим топилади. Оила тинч, мустаҳкам, ҳалол-пок бўлса, жамият ҳам осойишта ва фаровон бўлади. Жамият равнақи оила равнақи билан чамбарчас боғлиқ.

Афсуски, турмушимиз тобора фаровонлашаётган пайтда оилалар мўртлашаётгани, оилавий можароларнинг кўпайиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолат. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жабрини асосан аёллар кўради. Бу кўплаб аёлларнинг ҳуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта Мосуво бўлишига сабаб бўлмоқда. Энди униб-ўсиб, балоғат ёшига етаётган фарзанд кун ора оилавий низолаарга гувоҳ бўлаверса, нотинч муҳитда вояга етса, ўқиб-ўрганиб ўз келажаги ҳақида қайғуриш каби асосий мақсадидан ҳам чалғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Оилавий зўравонликларнинг салбий оқибатлари жуда кўп. Бир шахс бошқага ўхшамагани каби ҳар бир оиладаги жанжал бошқа оиладагига ўхшамайди. Лекин, уларнинг ҳаммаси оилавий зўравонлик, оилавий низо деб аталади. Аслида масаланинг ичига кириб қаралса, вазият бутунлай бошқача, ўта жиддий бўлиб чиқди. Оилавий зўравонлик ортида қанча-қанча жабрланганлар дардини айтолмай юргани, турли жиноятлар, фожиавий оқибатлар келиб чиқаётгани аён бўлади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик энг муҳим ва оғриқли масалалардан биридир. БМТ маълумотларига кўра, ҳар уч нафар хотин-қиздан бири умрида камида бир маротаба тазйиқ ва зўравонликка дуч келади. Дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги барқарорлик, гендер тенглигини таъминлашда қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этиш тартиби, тазйиқ ўтказаетган шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланишига сабаб бўладиган ҳужжат сифатида “Ҳимоя ордери”ни бериш тизими белгилаб қўйилди.

Аёллар ҳуқуқларига халқаро миқёсда эътибор Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида бошланган. 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Унинг 2-моддасида Декларацияда баён қилинган ҳуқуқлар эркакларга ҳам, аёлларга ҳам ҳеч қанақа чеклашларсиз бирдек тааллуқли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шундан кейин БМТ томонидан 1967 йилда Аёлларга нисбатан Дискриминацияни бартараф этиш декларацияси ҳамда Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари бартараф этиш ҳақидаги конвенция қабул қилинди.

1985 йилда Аёллар аҳволи юзасидан Кенияда ўтказилган халқаро Конференцияда “гендер тенглик” тушунчасига янгича мазмун бағишланди. 1993 йилда Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро конференцияда Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида Декларация қабул қилинган.

Давлатимизга ҳам “Ҳимоя ордери” деган тушунчанинг кириб келиши, унинг амалиётга жорий этилганлиги хотин-қизлар ҳуқуқлари таъминланишини янгидан босқичга олиб чиқади. Бунинг учун хотин-қизларимиз



ва кенг жамоатчилик орасида “ҳимоя ордери” ва унинг қўлланилиши ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак.

Ҳимоя ордери - тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ва 30 кун муддатга профилактика инспекторлари томонидан берилади.

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бар-тараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ушбу қонун ҳамда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жамиятда хотин-қизларга бўлган ҳурматни ошириш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, содир этилган зўравонлик учун уларнинг турига ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб Жиноят кодекси биринчи бўлимнинг (шахсга қарши жиноятлар) бир қанча моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, ЖКда қасддан одам ўлдирганлик учун (97-модда) ўн йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун (103-модда) уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Шунингдек, оилавий зўравонлик ҳолатлари аниқланганда фуқаролар томонидан содир этилиши эҳтимоли кўп учрайдиган қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда), жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) (114-модда), хавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиш (118-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125-1-модда), тиланчилик қилиш (127-1-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда) каби қилмиш содир этган шахслар Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Энг асосий қуролимиз тарғибот. Бу масалада тарғиботнинг барча усуллари самарали фойдаланиш зарур. Оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар билан биргаликда амалий тадбирлар ҳам катта ўрин тутди. Сайёр учрашувлар, сайёр қабуллар, давра суҳбатлари, сайёр суд мажлислари албатта ўз самарасини бермоқда. Бу тадбирларда аҳоли бевосита оилавий зўравонликка алоқадор суд ишлари кўрилишида иштирок этади, ҳуқуқий оқибатларини ўз кўзи билан кўради. Шунингдек, судьяларимиз бу мавзуда атрофлича тушунча бериб, саволларга ҳаётий мисоллар билан жавоб қайтариб тарғиботнинг самарали бўлишига ҳаракат қилмоқдалар.

САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ВАҚТИНИ БИЛАСИЗМИ?

“Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси-ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилнинг 25 июнида имзоланган бўлиб, мазкур Қонун Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Илгари мазкур сайловларни ўтказиш тартиби алоҳида-алоҳида норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар билан тартибга солинган эди. Сайловларда ҳар бир фуқаро бир овозга эга. Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилади. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга 15 кун қолганида, чет давлатлардаги ваколатхоналарда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга 3 кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Президент сайлови, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов компанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари тугашидан камида 3 ой олдин эълон қилинади.

Сайловлар соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Илгари соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилган.

Сайловчи овоз бериш биносига келгач участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга “+” ёки “√” ёхуд “х” белгисини қўяди.

Президент сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида 70 кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади. Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади 45 кун қолганида тугайди.

Сайлов натижалари эълон қилинган кундан кейин сайланган Президент кечи билан 2 ойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қилган пайтдан эътиборан ўз лавозимига киришади.

Камол НАМАЗОВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси



Бобир УМАРОВ,
жиноят ишлари
бўйича Фиждуювон
туман суди раиси

БОЛАСИНИ СОТГАН “ОНАЛАР”

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар ва матбуот нашрларида одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар, хусусан чақалоқлар савдосининг авж олаётгани борасида таъвишли хабарлар бот-бот қулоққа чалинмоқда. Нечоғли аянчли бўлмасин менталитетимизга хос бўлмаган бундай ахборотларга жамият кўникиш ҳосил қилиб борапти.

Кунда-кунора ана шундай “савдогар” ларнинг қора қилмишларига суд органлари томонидан кўрилатган қонуний чоралар ҳақида ҳам бохабар бўляпмиз. “Одам савдоси”, айниқса “чақалоқ савдоси” тушунчаси ХХ асрнинг кейинги юз йилликларга қолдирган машъум мероси сифатида тарихдан жой олса ажаб эмас. Кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат қарияларимизнинг биронтаси ўтган умрлари давомида “фалончи боласини писмадончига фалон пулга сотибди” деган нохуш гапни эшитмаганликларини эътироф этадилар. Савоб учун, яқин қариндошига ичи ачиганидан боласини фарзандликка берганлар бўлган, аммо болани нархлаб, савдолашиб сотган эмас.

Статистик маълумотларга кўра 2017-2020 йиллар давомида чақалоқ савдоси билан боғлиқ жами 185 та жиноят аниқланган. Ушбу жиноятлар бўйича 286 нафар шахс жинойий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 184 нафари боланинг бевосита онасидир. 102 нафари чақалоқ савдосида воситачилик қилган шахслар ҳисобланади.

Ўз чақалоғини сотган жами 185 нафар аёлнинг 57 нафари оғир ижтимоий аҳволда эканлиги, 32 нафари ҳомилани яшириш, 96 нафари моддий манфаат топиш мақсадида содир этгани аниқланган. Жинойят қилган шахсларнинг 69 фоизини (128 нафар) 18-30 ёшгача бўлган аёллар ташкил этади.

Худди шундай қабих ишлардан бири 2021 йилнинг 19 июль кунда жинойят ишлари бўйича “Х” туман суди, “Х” туман “Х” маҳалла фуқаролар йиғини биносига, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судланувчилар Ш.Р. ва Ф.Ж. бир гуруҳ бўлиб, олдиндан ўзаро жинойий тил бириктириб, 2021 йил 12 апрель кунга ўтказилган тезкор тадбир давомида Ф.Ж. 2021 йил 8 апрелда туғилган ўз фарзанди Ҳ.И. ни сотиш мақсадида онаси Ш.Р. билан назорат тарихида болани сотиб олиш учун юборилган фуқаролар Н.М. ва Д.М. “Х” туман Тиббий бирлашмаси худудида И.Ҳ.ни қонунга хилоф равишда нақд 8.000.000 сўм эвазига сотганликлари аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида сотилган чақалоқнинг бувиши Ш.Р. қизи — Ф.Ж. 2019 йилдан буён турмуш

ўртоғи билан ўзаро оилавий келишмовчилик натижасида бирга яшамаслигини, қизи Ф.Ж. 9 ой олдин уйдан чиқиб кетиб, номаълум шахсдан фарзандли бўлганини ва у ўз неварасини эл-халқ олдида шарманда бўлишдан чўчиб сотмоқчи бўлганлигини тан олади.

Суд ҳукмига кўра, боланинг бувиши Ш.Р. ва боланинг онаси Ф.Ж. Жинойят кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жинойятни содир этганликда айбли деб топилди ва уларга нисбатан шу модда билан ЖК-нинг 57-моддасини қўллаб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Юқоридаги рақамлар ва воқеа ҳар қандай кишини сескантириши табиий. Чунки юрагининг, жисмининг бир парчаси бўлган гўдакни сотиш, унинг пулига маишатини давом эттириш, ундан бутунлай айро яшашни тасаввур қилиш ақлга сиғадиган иш эмас. Аммо, бугуннинг аччиқ ҳақиқати. Суриштирув - тергов ишлари давомида айбланувчилар фарзандини сотувга қўйишлари бир қанча важдарни келтирадилар.

Биринчидан, ҳали оила, турмуш ҳақида етарли тушунчага эга бўлмасдан туриб “ҳаёт лаззатларини” тотишга берилиб кетиб эрта ҳомиладор бўлиб қолиш, шармандалиқдан қўрқиб болани сотиш. Шу йўл билан муаммони ҳал этиш.

Иккинчидан, гўдакни тирноққа зор инсонларга каттагина пулга сотиш ва маълум бойликка эга бўлиш истаги. Негаки жамиятда фарзандталаб оилалар томонидан янги туғилган ва соғлом чақалоқни асраб олишга катта эҳтиёж мавжуд.

Учинчидан, болани сотишдан каттагина моддий манфаат топиш мақсадидаги шахслар томонидан чақалоқ савдосини ташкил этиш. Бу ерда гарчи қонунларда кескин чоралар кўзда тутилганини била туриб чақалоқ савдосига бош кўшаётган шифокорлар иштироки. Таҳлилларга кўра, 2017–2020 йиллар давомида ўтказилган тезкор тадбирларда чақалоқ савдоси билан боғлиқ 185 та жинойят аниқланган бўлиб воситачиларнинг 32 фоизини тиббиёт вакиллари ташкил этган. Туғруқхона муассасалари шифокорлари томонидан жинойий мақсадларда аёлнинг ҳомиладорлиги яширилиши, чақалоқни сотиб олишга келишган

аёлнинг гўёки ҳомиладорлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатларнинг тайёрланиши, ёхуд туғруқхона ходимлари томонидан чақалоқни ўлди, деб ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ қўшимча жиноятлар аниқланган. Ўтказилган таҳлилларга кўра, янги туғилган чақалоғини сотмоқчи бўлган аёлларнинг 75 фоизи ҳудудий оилавий поликлиникалар рўйхатидан ўтмаган.

Тўртинчидан, аёл иқтисодий аҳволининг ёмонлиги ёки оиласидаги вазият. Туғилган болани етарлича моддий томондан таъминлай олмаслик ҳисси ва ягона чора сифатида болани сотиб бир ўқ билан икки қуённи уриш фалсафаси.

Гарчи бироз эриш бўлса-да энди сотилаётган болаларнинг “нарх”ларига тўхталамиз. Ижтимоий тармоқлар ва матбуот нашрлари саҳифаларида мана бундай рақамларга дуч келамиз:

- *Навоий вилояти Учкудуқ туманида уч ёшли қизини 60 миллион сўмга сотмоқчи бўлган аёл қўлга олинди.*

- *Бухоро вилояти Пешку туманида аёл ўз онаси билан бирга энди дунёга келган фарзандини 8 миллион сўмга сотмоқчи бўлган. Фуқаролар чақалоқни ўзга бир фуқарога келишилган нархда сотаётган вақтида қўлга тушган.*

- *Сирдарё вилоятида аёл вояга етмаган 2 ойлик чақалоғини 3 минг АҚШ долларига сотган вақтида, келишилган пуллар билан ушланди.*

- *Самарқанд вилоятида икки ёшли ўғлини 2500 долларга сотмоқчи бўлган аёл қўлга олинди.*

- *Фарғонада бир ёшли фарзандини 1500 долларга сотмоқчи бўлган ёш она қўлга олинди.*

Кўриниб турибдики нафасидан жаннат ифори тараладиган мурғакнинг “қора бозор”даги баҳоси катта эмас.... Аммо шуни наф билаётган, қабохатга қўл уриб ўзининг икки дунёсига ўт қўяётганлар сони анча узун.

Халқимиз болажон халқ. Шу боис бефарзандликка шахснинг фожиаси сифатида ёндошамиз. Шу боис “бола асраб олиш” ибораси тез-тез қулоғимизга чалинади, йўлларини излай бошлаймиз. Бугунги кунда республикамизда 21 та Меҳрибонлик уйлари фаолият юритаётган бўлиб, уларда тарбияланаётган болалар сони 2047 нафарни ташкил этади. Таққослаб кўриладиган бўлса фарзандталаб оилалар сони болалар уйидаги болалар сонидан кўп. Республикада фарзанд асраб олиш учун навбатда бўлган отоналар 3978 нафарни ташкил этмоқда. Болалар уйлари ва Меҳрибонлик уйлари орқали ўртача



бир йилда 220-230 нафар бола фарзандликка берилаётганини ҳисобга олсак, фарзандликка олиш бўйича навбатда турган оилаларнинг талабини қондириш учун 18 йил вақт керак бўлар экан. Мана бу каби мураккабликлар ҳам чақалоқлар савдосининг гуллаб – яшнашида озуқа вазифасини бажараётган бўлса не ажаб. Юқорида чақалоқлар ва болалар савдосининг авж олишига олиб келаётган омиллар ҳақида тўхталдик. Оиланинг муқаддаслиги, фарзанднинг улуг неъмат эканлиги каби тушунчалардан анча бегоналашиб кетганимиз айни ҳақиқат. Бизнинг назаримизда яна бир сабаб борки, бу нарсани назардан соқит қилиб бўлмайди. Бу — маънавийтсизлик. Бу — китобдан бегоналик. Бу — ёт маданиятларга кўр-кўрона эргашиш. Агарда жисму-жонининг парчасини пулга қақайтганлар китоб ўқиганларида эди қилаётган ишларининг жиноят саналишини, бунинг учун Худо олдида ҳам, қонун олдида ҳам жавоб беражакларини англаган бўлар эди. Агарда улар мутолаа завқидан баҳраманд бўлганларида эди фарзандсизликнинг қанчалик азобли эканини, сотилган фарзанднинг уволи бир умр уни таъқиб этишини ҳис қилар эдилар. Агарда улар китобни бегона тутмаганларида эди Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар”идаги Оймомога ўхшаб бир умр фарзанд доғида қоврилиб, алақоқибат “... Яратганнинг ўзи уни тушларимга солди, кўнглимга солди. Нима қилайин вақти – соати етмаган эканми, қўйнимга солмади. Тушларим тўлди, кўнглим тўлди. Қўйним тўлмай турибди, кучоғим тўлмай турибди...” - дея ўтишнинг азобини ҳис қилар ва бир марта бўлса-да оналик туйғусини туйиб жон бериш ҳам аёл учун саодат эканини англаб эди. Зеро, аёллик бахти фақат чиро-ю шоҳона кийимларда эмас, балки фарзанд туғиб, тарбиялаб, уни юртнинг қорига ярайдиган инсон қилиб тарбияламоқдadir. Пайғамбаримиз ҳадисларидаги жаннат оёқлари остида бўлган она ҳам мана шу улуг рутбага комил, солиҳ фарзандлари сабабли эришгандир.



Азизхон ПЎЛАТОВ,
Судьялар олий мактаби
таянч докторанти



Фаррух ЭРГАШЕВ,
Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича
Яшнобод тумани судининг судьяси

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ, ЖАБРЛАНУВЧИ ВА ГУВОҲЛАРНИНГ КЎРСАТМАЛАРИНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ (ДЕПОНИРОВАНИЕ)

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада сўроқ қилиш институтига оид жиноят-процессуал қоидалари ўрганилган. Шахсий далилларни суд томонидан текширишнинг долзарблигини кучайтириш бўйича Олий суд Пленумининг қарорлари таҳлил қилинди. Одил судловни қўллаб-қувватловчи гувоҳ иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослаб берилган. Гувоҳларнинг кўрсатмаларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини жорий этиш таклиф этилади.

Калит сўзлар: жиноят-процесс, исботлаш процесси, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси, депонирование, суд тергов, дастлабки тергов.

АННОТАЦИЯ:

В статье исследованы уголовно-процессуальные положения касающиеся института допроса. Анализируются позиции Пленума Верховного Суда Республики Узбекистана, касающиеся усиления непосредственности судебной проверки личных доказательств. Обосновывает предложения по совершенствованию действующего уголовно-процессуального законодательства, направленные на повышение эффективности участия свидетеля, содействующего правосудию. Предлагается введение института депонирования свидетельских показаний.

Ключевые слова: уголовный процесс; процесс доказывания; показания потерпевшего и свидетеля; депонирование; следственный судья; предварительное расследование.

АННОТАЦИЯ:

The article examines the criminal procedural provisions concerning the institution of interrogation. The positions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan concerning the strengthening of the immediacy of judicial verification of personal evidence are analyzed. The author substantiates proposals for improving the current criminal procedural legislation aimed at increasing the effectiveness of the participation of a witness who promotes justice. The introduction of the institution of deposition of evidence is proposed.

Basic words: criminal procedure; evidence process; victim and witness testimony; deposit; investigating judge; preliminary investigation.

Суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар муносабатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солилмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан, “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғриси” даги фармонида, суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчининг оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатмаларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш кўзда тутилган¹.

Демак, бугунга келиб, жиноят-процессда кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш масаласини ҳар томонлама ўрганиш ва гувоҳлик кўрсатувини бериш институти таркибидаги барча элементларни ҳар томонлама таҳлил қилиш долзарблигини кўрсатди.

Ўринли савол туғилади: нима учун суд-тергов фаолиятига депонированини жорий қилиш фикри илгари сурилди? Ушбу саволга жавоб бериш учун жиноят-процессда юзага келадиган баъзи бир жиҳатларни эсга олиш ўринлидир. Судларда, жиноят ишларини кўриб чиқишда дуч келадиган биринчи йўналиш, гувоҳларнинг сўроқ қилиш учун қасамёдга келишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар². Судьялар шуни яхши биладилар-ки, кўпинча иш бўйича кўрсатмаси ҳал қилув қарорига боғлиқ бўлган муҳим ва асосий гувоҳлар, у ёки бу сабабларга кўра судга келмайдилар. Албатта бундай ҳолларда, суд, суд муҳокамасини

кейинга қолдиришга ва гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларга чақирув қоғозини қайта юборишга мажбур бўлади³. Аммо, бу чақирув қоғозини қайта юбориш дегани, суд мажлисига келишини кафолатламайди. Албатта, ишни кўриб чиқаётган судья, бундай ҳолларда процессуал тартибда мажбурлов чорасини қўллаш ва чақирилган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин⁴. Бироқ, суд ушбу чорани фақат чақирилган шахс судга узрли сабабларсиз келмаслиги аниқланганда қўллашга ҳақлидир⁵. Судга чақирилганда келмаслик сабабини аниқлашга ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди.

Гарчи қонунда судланувчи, гувоҳлар, жабрланувчилар белгиланган вақтда судга чақирилганда келишларини ҳамда уларнинг келишига тўсқинлик қиладиган узрли сабаблар (касаллиги, яқин қариндошларининг вафоти, табиий офатлар ва бошқа) борлиги тўғрисида судга хабар беришлари шартлигини билсалар-да, аммо амалиётда мазкур тартибга ҳамма ҳам амал қилмайди. Бунинг натижасида, суд тарафларни мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқаришга мажбур бўлади. Шунингдек, кўпинча суд чақирув қоғозини чақириладиган шахснинг рўйхатдан ўтган жойига юборади, лекин чақириладиган шахс кўчиб кетганлиги ёки қўшнилари уни узоқ вақт давомида кўрмаганлигининг факти аниқланади.

Натижада, қарор қабул қилишда иш учун муҳим бўлган кўрсатувлардан фойдаланиш имкони бўлмайди.

Амалиётда судьялар тобора кўпроқ бундай ишларга дуч келмоқдалар, яъни дастлабки тергов пайтида сўроқ қилинган шахслар, суд мажлисида кўрсатмаларини тасдиқламасликлари, буни турли сабаблар билан, шу жумладан тергов органларининг босими остида ёлғон кўрсатмалар берганликлари билан изоҳлайдилар. Албатта, суд ҳар доим ҳам буни ишончли текширишга қодир эмас, шунинг учун бундай шахсларнинг кўрсатмаларини баҳолашда қийинчиликка дуч келадилар.

Шундай қилиб, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг дастлабки тергов давомида берган кўрсатмаларининг далил сифатида ишончлигини ва уларни қабул қилишини шахсан текширишига имкон бермайди, бу эса иш бўйича қарорнинг қонунийлиги ва адолатли бўлишига таъсир қилиши мумкин.

Шу каби ҳолатлар судгача жиноят ишида депонирование қилиш институтини жорий этиш заруратини тақозо этади.

Умуман олганда, депонирование (лот. dēpōnō ropo – “қўйиш”, “сақлаш” дан олинган) бирон бир нарсани сақлашни ташкил қилишни англатади.

Унинг асл луғавий маъноси шундай, аммо кўриб чиқилаётган атама бошқа таърифларга ҳам эга, улар-

нинг орасида энг кенг тарқалгани: 1) нарс ва ҳужжатларни сейфли (хавфсиз) сақлаш; 2) турли халқаро шартномаларни сақлашга ўтказиш тартиби⁶.

С.И. Ожеговнинг изоҳли луғатида, депонирование сақлаш учун бериш деган маънода келган⁷.

Жиноят-процессада кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) деганда, дастлабки тергов даврида, истисно ҳолларида олдиндан жиноят-процесса иштирокчиларининг судья томонидан сўроқ қилиниши тушунилади. Шунингдек, депонирование, кейинги суд жараёнларига ушбу кўрсатувларни ошкор қилиш мақсадида сақлаб қолишни ҳам назарда тутлади.

Кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирования)ни жиноят-процессуал ҳуқуқи институти сифатида гапириш керак, чунки бу биргина ҳаракат эмас, балки қонун билан тартибга солинадиган ўзига хос мураккаб қоидалар ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир.

Бизнинг фикримизча, депонированининг тузилиши қуйидагиларни ўз ичига оладиган меъёрлардан иборат бўлиши керак:

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мақсади;

☞ дастлабки тергов жараёнида судья томонидан жиноят-процесса иштирокчисини сўроқ қилиш асослари ва шартлари;

☞ кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мумкин бўлган шахслар доираси;

☞ қонун билан жиноят-процесса иштирокчисини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган судьяларнинг мақоми,

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ташаббуси тартиби;

☞ дастлабки тергов жараёнида судья томонидан процесс иштирокчисини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати;

☞ ушбу турдаги сўроқ қилишда иштирок этиши шарт бўлган мансабдор шахслар ва жиноят жараёни иштирокчилари доираси;

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун чақирилган шахснинг суд муҳокамасига келмаслик оқибатлари;

☞ сўроқ ўтказиш жойи;

☞ қонунда назарда тутилган ҳимояни талаб қиладиган шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари;

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда сўроқ қилиш тартиби;

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда (депонирования) қайд қилиш процессуал шакли;

☞ кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда (депонирования) сақлаш усуллари;

☞ жиноят ишини моҳиятан кўриб чиқишда кўрсатувларни эълон қилиш тартиби;

☞ суд томонидан мустаҳкамлаб қўйилган кўрсатувларни суд мажлисида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари⁸.



Дастлабки тергов давомида шахсий далилларни депонирования қилишдан мақсад, судда шахс (гувоҳ, гумонланувчи, айбланувчи)ни сўроқ қилишнинг умуман имконсиз ҳолатларида ёки унинг кўрсатувларининг тўлиқлиги ва ишончилигига таъсир этадиган ҳолатлар мавжуд бўлганда кўрсатув олиш ҳисобланади.

Жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини депонирования қилиш учун тақдим этилган асосларни, жиноят процессуал назариясида умумий қабул қилинган икки гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин:

- ✓ фактик асослар;
- ✓ ҳуқуқий асослар.

Профессор, С.А. Шейфернинг ўринли таъкидлашича, ҳуқуқий асослар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалардан зарурий далилий маълумотларни олиш имкониятини кўрсатувчи маълумотлардир⁹.

Депонирования учун фактик асослар “бундай қарор қабул қилишга асослар бўлса” бунда судья ушбу далилларни процессуал тартибда тасдиқлаши лозим саналади¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 121²-моддасига мувофиқ кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун асос гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги ёхуд хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳий ҳолатига таъсир қиладиган бўлса¹¹) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган¹².

Ушбу кодекснинг 121³-моддасига биноан ишни судга қадар юритиш босқичида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жабрланувчи ва гувоҳларнинг ёзма аризасига кўра прокурор томонидан судга илтимоснома киритиш орқали амалга оширилади.

Суд кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай кўриб чиқади ва илтимосномани қаноатлантириш ҳамда суд мажлисини тайинлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда тарафларга хабар беради.

Илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, судья кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш бўйича суд мажлисини уч суткадан кечиктирмай ўтказиши¹³.

Шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун ҳуқуқий (юридик) асос – бу терговчининг тергов ўтказиш учун умумий ваколатлари мавжудлигидадир¹⁴.

Судга келишни истисно қилувчи ҳолатларга, шахсининг вафотидан ташқари оғир хасталик, йироқда ва кўп чўзиладиган хизмат сафарига бўлиши, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетганда унинг турар жойини

аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда шахсининг судга келишини истисно қилувчи ҳолат деб топиш тўғрисида қарор суд томонидан ушбу масалаларни муҳокама қилингандан кейин қабул қилиниши кераклиги айтилган¹⁵.

Судланувчининг (жабрланувчининг, гувоҳнинг) эълон қилинган кўрсатувлари суд томонидан суд тергови жараёнида текширилиши лозим.

Шунингдек, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шартлиги белгиланган¹⁶.

Шундан келиб чиқиб, гувоҳ ва жабрланувчининг, агар уларнинг судга келмаганлиги сабаблари аниқланмаган ёки улар судга узрсиз сабабга кўра келмаган бўлса, судда ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари мақбул далил сифатида фойдаланилишига йўл қўйилмайди, башарти суд уларни судга келишини таъминлаш юзасидан қонунда назарда тутилган чораларни кўрмаган, манфаатдор тараф эса, уларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилишига эътироз билдирган бўлса (ЖПК 261, 262-моддалари). Мазкур қоида гувоҳ, жабрланувчини объектив сабабларга кўра (масалан, суд мажлисида сўроқ қилишга тўсқинлик қилувчи оғир касаллик, турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узоқ ёки номуайян муддатга чиқиб кетганлиги ва ҳ.к.) судга келишини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларга татбиқ этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган¹⁷.

Шуниси эътиборга лойиқки, кўрсатувларни депонирования қилиш институти бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш мазкур масалага турлича ёндошув мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 69¹-моддасига биноан, прокуратура, айбланувчи ёки ҳимоячини депонирования қилишни сўраб илтимоснома киритиши мумкин, агар жиноят-процессининг предмети қасддан содир этилган жиноят бўлса ва унга нисбатан камида уч йилга озодликдан маҳрум этиш қамоқ жазоси қўллаш назарда тутилган бўлса, дастлабки тергов судьяси томонидан жиноят-процессда гувоҳ бўлиб иштирок этаётган шахсни сўроқ қилишни сўраши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жиноят ишини кўриб чиқиш пайтида гувоҳни кейинчалик сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда ёки гувоҳга нисбатан ёлғон кўрсатма бериш таъсири ўтказиши мумкин деган ҳулосага келса, суд томонидан илтимоснома қондирилади. Агар, суд томонидан илтимоснома асоссиз деб топиллиб қарор қабул қилинса, бунда қарорда рад этиш сабаблари кўрсатилади ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам берилади. Суд аризани олгандан кейин беш кун ичида кўрсатувларни депонирования қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқади ва имкон қадар тезроқ сўроқ қилиш вақтини белгилайди, бу ҳақда прокуратурага ва ҳимоячига етказилади. Агарда, сўроқ пайтида гувоҳнинг хавфсизлигига таҳдид бўлса, прокуратура ёки гувоҳнинг илтимосномасига биноан гумон қилинувчи сўроққа

чақирилмайди. Ушбу кодекснинг 291-моддасига биноан, суд босқичида иштирокчиларнинг илтимосномасига биноан суд, гувоҳ томонидан илгари берилган кўрсатувларни далил сифатида қабул қилиши мумкин: Қачонки, гувоҳ вафот этган бўлса, суд ишларида гувоҳлик беришдан бош тортса, соғлиги сабабли гувоҳлик бера олмаса, қаердалигини аниқлашни имкони бўлмаса. Агар, судда гувоҳнинг кўрсатмалари (депонирование) ишончлилигига шубҳа уйғотса, бундан далилларни қабул қилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган¹⁷.

Қўшни Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 5-моддасида, депонирования тушунчасига таъриф берилган. Жумладан, гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатмаларини депонирования қилиш деганда – агар асос мавжуд бўлса, тергов судьяси томонидан, судгача бўлган процесс давомида тарафлардан бирининг илтимосига биноан яъни гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш мумкин.

Ушбу кодекснинг 31-моддасига биноан депонирование қилиш ҳуқуқи тергов судьясига берилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 198-моддасида жабрланувчи ва гувоҳ кўрсатувларини депонирования қилиш асослари ҳам кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ҳимоячи ёки процесс иштирокчиларининг илтимосномасига кўра жиноят иши ҳолатлари ёки қилмишлари бўйича жабрланувчи ва гувоҳ судгача бўлган даврда тергов судьяси томонидан сўроқ қилиниши мумкин. Бунда, ҳимоя ва процесс иштирокчиларининг депонирования қилиш илтимосномаси билан судга мурожаат қилишлари айтилган.

Кўрсатувларни депонирования қилиш тўғрисидаги илтимоснома, жиноят иши материаллари билан кўшиб судга юборилади. Ваколатли тергов судьяси уч кун ичида кўриб чиқиб ва депонирования бўйича асосли қарор қабул қилади¹⁸.

Жабрланувчи ва гувоҳни тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш тартиби 200-моддада берилган бўлиб, унга кўра жабрланувчи ва гувоҳни суд муҳокамасида ёки жиноят иши юритилган жойда ёхуд оғир касал бўлган жойда (сайёр сўроқ) шахслар иштирокида сўроқ қилиниши мумкинлиги белгиланган¹⁹.

Жабрланувчи ва гувоҳни ишнинг моҳиятан кўриб чиқиш пайтида такроран сўроқ қилишга агар уларнинг кўрсатмаларига ойдинлик киритиш зарурати туғилса ёки тергов судьяси томонидан дастлабки тергов жараёнида сўроқ пайтида аниқланмаган ҳолатлар бўлса йўл қўйилиши айтилган²⁰. Ушбу кодекснинг 280-моддасига кўра, суд ҳукми фақат суд мажлисида ўрганилган ёки депонирования қилиш натижасида олинган далилларга асосланиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси биноан, прокурор ва ҳимоячининг илтимосномасига кўра, жабрланувчи ва гувоҳ кўрсатмаларни депонирования қилиш судья ваколатига берилган²².

Ушбу кодекснинг 217-моддасида, жабрланувчи ва гувоҳни тергов судьяси томонидан сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари (кўрсатмаларини депонирования қилиш) берилган бўлиб, унинг мазмуни Қирғизистон

Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 5-моддасида кўрсатилган талаблари билан айнан бир хиллигини кўришимиз мумкин²³. Фақат, тергов судьяси томонидан кўрсатувларни депонирование қилиш тўғрисидаги илтимосномани йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқиши билан ажралиб туради. Шунингдек, вояга етмаганларнинг кўрсатувларини депонирования қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш мажбурий тартибда қондирилиши ҳамда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни суд мажлисида чақириш ва уларни сўроқ қилиш, агар уларнинг судга қадар иш юритиш босқичида кўрсатмалари (депонирования) тергов судьяси томонидан топширилган бўлса, суд мажлисига чақирилмаслиги белгилаб қўйилган.

Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 109-моддасида кўзда тутилган гувоҳни сўроқ қилиш тартибига биноан, агар гувоҳнинг чет элга саёҳат қилиши ёки бошқа асосли сабабларга кўра ишда яъни суд мажлисида иштирок эта олмаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, шунингдек гувоҳга аниқ хавф туғилиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш ёхуд гувоҳни жабрланувчи бўлиб қолмасликка йўл қўймаслик учун прокурор, гувоҳга, тергов судьяси томонидан сўроқ қилиниши талаб қилиши мумкин. Вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш 110.1.-моддасида алоҳида қайд этилиб, унга кўра 14 ёшга тўлмаган, вояга етмаган гувоҳни жинсий характердаги жиноятлар, болалар савдоси ёки оилавий зўравонлик жиноятларидаги психотравматик таъсирларни истисно қилиш учун сўроқ қилишда махсус жиҳозланган аудио ва видео воситалари билан жиҳозланган хонада сўроқ қилиниши амалга оширилиши айтилган²⁴.

Грузия Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасида, гувоҳларнинг кўрсатмаларини депонирования қилиш ва уни масофадан туриб сўроқ қилиш тартиби берилган. Масалан, тергов пайтида гувоҳнинг депонирования кўрсатмаларини суд мажлисида ошкора эшитиш мумкинлиги қайд этилган. Агарда, гувоҳнинг вафот этганлиги эҳтимоли муносабати билан, унинг қаердалиги номаълум бўлса ёки мамлакатда бўлмаганида ёхуд судга олиб келишнинг барча оқилона имкониятлари тугаган бўлса, унинг кўрсатмалари аудио ёки видео ёзувларни тинглашга (намойиш қилиш) ушбу Кодексда белгиланган тартибда йўл қўйилиши белгиланган²⁵.

Ушбу модданинг давомида, агар гувоҳни мажбурлаш, таҳдид қилиш, қўрқитиш ёки пора олишга кўндириш тўғрисида асосли тахмин ёки у берган кўрсатмаларда жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, томон гувоҳнинг кўрсатмаларини ошкора ўқиб эшиттириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисми талабларига риоя қилмасдан, унинг кўрсатувларини аудио ва видео ёзувларини тинглаш (намойиш қилиш) лозим. Бироқ, айблов ҳукмининг асослантириш қисми ушбу далилларга асосланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Томонларнинг илтимосига биноан, суд қарори билан гувоҳни масофадан туриб сўроқ қилиш мумкин, ўша ёки

бошқа суддан ёки бошқа жойдан техник воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин, бу ҳақда томонларга олдиндан хабар берилиши лозим.

Агар вояга етмаган, жинсий зўрлик ва жинсий зўравонликнинг гувоҳи ёки жабрланувчиси бўлса, унинг илтимосига биноан ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан, юқорида кўрсатилган тартибда сўроқ қилиниши кераклиги айтилган²⁶.

Кўрсатувларни депонирования қилиш институти Украина Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Хусусан, ушбу кодекснинг 214-моддасида судга қадар иш юритув ёритилган. Яъни, терговчи, прокурор, ариза берилгандан кейин 24 соатдан кечиктирмай, содир этилган жиноят тўғрисидаги ариза ёки у жиноят содир этилишини кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай манбаларни мустақил равишда аниқлагандан кейин Ягона реестрга киритиши ва терговни олиб боришга мажбурдир²⁷.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 225-моддасида суд мажлисида дастлабки тергов пайтида гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби берилган.

Бунда, гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш суд мажлисида суд жойлашган жойда ёки касал гувоҳнинг, жабрланувчининг жойлашган жойида жиноят-процесси иштирокчиларининг иштирокида, суд жараёнида сўроқ қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, судга қадар тергов пайтида жабр кўрган жабрланувчи, оғир касал бўлган гувоҳни сўроқ қилиш сайёр суд ўтказиши йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Экспертларнинг кескин салбий қарашни Арманистоннинг янги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасига киритилган, судга қадар депонирования қилиш тергов давомида айбланувчининг тан олинган кўрсатувларини суд томонидан тақдим этилиши натижасида юзага келди. Арманистонлик ҳуқуқшунослар ушбу қоида “ушбу юридик институтни ҳуқуқий тартибга солишининг жаҳон амалиётига зиддир” деб фикр билдирадilar²⁸.

Бундан ташқари, оммавий депонирования қилиш, келгусида суд терговини ортиқча оғирликка олиб келиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қонунчиликдан келиб чиқиб, депонирования учун умумий асос қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади:

➤ *гувоҳ ёки жабрланувчининг оғир аҳволдалиги ёки касаллиги – Украина 225-модда, 1 қисм, Эстония 691-модда, 2 қисм;*

➤ *ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли (хавфсизлик чораларини қўлаганида) – Молдова 109-модда, 3 қисм, Грузия 114-модда, 1 қисм “г” банди;*

➤ *гувоҳнинг чет элга кетиши ёки бошқа давлат ҳудудида доимий равишда яшаши – Қозоғистон 217-модда, 1 қисм, Молдова 109-модда, 3 қисм;*

➤ *гувоҳ ёки жабрланувчига ёлгон кўрсатма бериш учун таъсир ўтказиш имкониятининг вужудга келиши – Эстония 691-модда, 2 қисм;*

➤ *14 ёшга тўлмаган, вояга етмаган гувоҳни жинсий жиноятлар, болалар савдоси ёки оилавий зўравонлик жиноятларидаги психотравматик таъсирларни истисно қилиш учун сўроқ қилиш мажбурий тартибда кўриб чиқиш – Молдова 1101-модда, 1 қисм, Қозоғистон 217-модда, 1 қисм;*

➤ *суд мажлисида сўроқ қилишга тўсқинлик қилувчи оғир касаллик, турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узоқ ёки номуайян муддатга чиқиб кетиши, яъни кўп чўзиладиган хизмат сафариди бўлиши, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетганда унинг турар жойини аниқлашининг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши – Ўзбекистон суд амалиёти.*

Бундан ташқари, кўриб чиқилган давлатларнинг қонунчилиги турли йўллар билан илтимосномаларни қабул қилиш муддатлари ва уларни тергов судьялари томонидан кўриб чиқиш муддатлари масаласини ҳал қилади. Украина, Молдова ЖПК ва Арманистон ЖПКларида илтимосномани кўриб чиқиш муддатлари кўрсатилмаган. Фақат, Молдова ЖПКда тўлиқ бўлмаган, ноаниқлик акс этган, унга кўра “вояга етмаганни сўроқ қилиш чекланган вақт ичида амалга оширилади” дейилган. Грузия ЖПК “илтимоснома берилгандан кейин оқилона вақт ичида” тарзида Украина, Қозоғистон ЖПКлари йигирма тўрт соат ичида, Қирғизистон уч кун, Эстония беш кунда кўриб чиқилиши айтилган.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш лозим:

биринчидан, жиноят-процессига кўрсатувларни депонирования қилиш муддатларини киритиш лозим. Улар жиноят-процессини олиб боровчи шахсларнинг фаолиятини тартибга солади, одил судловни таъминлашга ҳисса қўшади, иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин;

иккинчидан, ЖПКнинг 53-моддасига мувофиқ ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари берилиб, унга кўра ҳимоячи ЖПКнинг 87-моддасига биноан далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги айтилган²⁹. Бироқ, ЖПК маълум бир шахснинг ҳимоячиси томонидан сўровлар, тушунтиришларни рўйхатдан ўтказишнинг процессуал шаклини аниқ белгиламаган. Демак, ҳимоячи сўров ўтказиш, тушунтиришлар олиши мумкин. Аммо, бундай сўров натижаларини қайд этган ҳужжат амалда далил бўлиб ҳисобланмайди, бунинг учун ҳимоячи процессуал тартибда судга қадар иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган

шахсга, илтимоснома киритиш тўғрисида муружаат қилиши керак бўлади. Бизнинг фикримизча, ҳимоячи ташаббуси билан кўрсатувларни депонирования қилиш имконияти яратилиши, шунингдек ҳимоячи томонидан олинган фактларни процессуаллаштиришнинг мустақил усули сифатида қаралиши тўғри деб ўйлаймиз.

Ҳимоячи томонидан олинган фактларни қонунийлаштириш усули сифатида Л.А. Воскобитованинг фикрига кўра, дастлабки тергов давомида ҳимоячига гувоҳни судга чақириб, уни сўроқ қилиш имкониятига эга бўладими ёки йўқми унинг кўрсатмаларини депонирования қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтади. Бундай ҳолатларда суд депонирования кўрсатмаларини бериш ҳимоячига процессуал далилларни олишга имкон беради ва уни қонунийлаштириш кўшимча тергов ҳаракатларини талаб қилмайди. Демак, терговчилардан мустақил равишда далилларни тўплаш учун ҳимоячига процессуал имконият бериш зарурлиги талаб қилинмоқда³⁰. Шунингдек, (агар гувоҳларни кўрсатувларни депонирования қилиш ҳуқуқи берилса) дастлабки тергов давомида тарафларнинг тенглиги принципи хурмат қилинади.

учинчидан, жабрланувчи ва ҳар қандай гувоҳларга нисбатан таҳдид кўрсатиш ҳоллари мавжуд бўлгандагина кўрсатувларини депонирования қилиш тўғрисида илтимосномани кўриш;

тўртинчидан, фақат, кўрсатувларни депонирования қилиш бўйича суд босқичи доирасида олинган фактларнигина далил сифатида қабул қилиш лозим. Ушбу ҳолат унга ишнинг фактик томонини аниқлашга ва жиноят қонунларини қўллашга имкон беради;

бешинчидан, нафақат жабрланувчи, гувоҳ ва фуқаровий даъвогарга кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш (депонирования қилиш) ҳуқуқи берилиши керак, балки гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчиларга ҳам бундай ҳуқуқ берилиши мақсадга мувофиқдир;

олтинчидан, ҳимоячи томонидан сўровлар, тушунтиришларни рўйхатдан ўтказишнинг процессуал шаклини ўрнатиш;

еттинчидан, кўрсатувларни депонирования қилишда гувоҳ ёки жабрланувчини ёлгон кўрсатма берганлиги учун огоҳлантириш ва жавобгарликка сабаб бўлишини тушунтириш;

саккизинчидан, вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини депонирования қилишни кечиктирмаслик;

тўққизинчидан; кўрсатувларни депонирования қилиш юзасидан судьянинг ваколатларини белгилаш мақсадга мувофиқ;

ўнинчидан, гувоҳ ва жабрланувчилар кўрсатувларини депонирования қилишда тарафларнинг ҳуқуқларини чекламаслик;

ўн биринчидан; кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш учун фактик асос, яъни шахсни оғир хасталиги (шифокорнинг хулосаларини иш материалларига илова қилиш лозим), таҳдид мавжуд бўлганда (иш материалларига видео ва аудио ёзувларни илова қилиш лозим), турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун,

узоқ ёки номуайян муддатга чиқиб кетганлиги тўғрисида тегишли идора маълумотномаларни иш материалларига илова қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғриси"даги ЎзР Президенти Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 441-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 418, 433-моддалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 30-60б.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 30-60б.
6. Темирбекова А.А. Судебное депонирование показаний в современном уголовном процессе // Международный журнал экспериментального образования. – 2019. – № 6. – С. 72-76.
7. Ожегов С.И. Словарь русского языка: 70000 слов/ Под ред. Н.Ю. Шведовой. -21-е изд., перераб. и доп. – М.: Рус. Яз., 1989. С. 164.
8. А.А.Попов. Проблемы регламентации досудебного депонирования показаний в уголовном процессе. Пробелы в российском законодательстве. 6/2014.
9. Шейфер С. А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – С. 60.
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.12.2020 г.) статья 217.
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 1214-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 1212-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. 1213-модда.
14. Шейфер С. А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – С. 60.
15. "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарори. 1997 йил 22 август, 12-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
17. "Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарори. 2018 йил 24 август, 24-сон.
18. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. Принят 12.02.2003. RT I 2003, 27, 166. Вступил в законную силу 01.07.2004.
19. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года. Статья. 199.
20. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года. Статья. 200.
21. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года. Статья. 201.
22. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗРК. Статья. 53, 55.
23. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗРК. Статья. 217.
24. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV.
25. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. 9 октября 2009 года № 1772-Ис.
26. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. 9 октября 2009 года № 1772-Ис.
27. Уголовно-процессуальный кодекс Украины. от 13.04.2012 № 4651-VI.
28. Гамбарян А.С., Оганесян А.А. Судебное депонирование показаний на предварительном следствии (сравнительно-правовой анализ) // Библиотека криминалиста. Научный журнал. 2014. № 2. С. 325.
29. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
30. Итоговый отчет экспертного Форума по уголовному праву для Центральной Азии 17-18 июня 2010 г. – Душанбе, 2010. - С. 4- 14.



Улуғбек АҲМЕДОВ,
ТДЮУ мустақил
изланувчиси

БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳақидаги қарашлар, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликнинг белгиланиши, унинг маъмурий ҳамда жиноят таркибий элементлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ҳуқуқбузарлик, ижтимоий хавfli қилмиш, жиноят, жиноят таркиби, жиноий жавобгарлик, жазо, санкция, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.

Йилдан-йилга мустақил Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси алоқаларининг халқаро миқёсда кўтарилиши билан Республикага кирувчи ва чет элга чиқиб кетувчи дипломатлар, сайёҳлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек санъат “ишқибозларининг” сони ошди. Шу билан боғлиқ холда айрим юртдошларимиз, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этиш эҳтимоли ҳам ошди.¹

А.Отажонов “Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги фақат Ўзбекистон Республикасига иқтисодий зарар етказишда эмас, балки бошқа оғир жиноятлар содир этишга замин яратиши билан ҳам белгиланади” дейди².

Эркин муомалада бўлган товарлар ва бошқа предметларни божхона чегарасидан гайриқонуний олиб ўтишнигина божхона қоидаларини бузиш деб ҳисоблаш ўринли эмас. Бунда иқтисодий контрабанда, одам савдоси, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган ашёларни гайриқонуний олиб ўтишни ҳам назарда тутиш лозим.

Т.Лопасов таклиф қилган иқтисодий жиноятлар тизимида божхона тўғрисидаги қонун

ҳужжатларини бузишни иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги жиноятлар гуруҳига киритади³ ва жиноятнинг бевосита объекти деб эътироф этилган айни шу мезон асосида мазкур жиноятни давлатнинг молиявий соҳасидаги жиноятлар қаторига кўшади⁴.

Бироқ олимлар илгари сурган фикрларнинг юзаки таҳлили ҳам уларнинг кўпчилиги мазкур жиноятларни ёки бу жиноятлар объектларини божхона иши (божхона ишини тартибга солиш, божхона органлари фаолияти ва ҳ.к.) билан бевосита алоқасига ишора қилганини кўрсатади⁵. Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир. Ҳуқуқшунос Жонатан Ҳеррингнинг таъкидлашича қонунчилик нуқтаи назаридан божхона ишига давлат иқтисодий фаолиятининг контрабанда ва бошқа божхона жиноятлари содир этиладиган соҳалардан бири сифатида қаралади⁶.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишни тақиқлаш давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш, одоб-ахлоқ, инсон ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг тарихий, археологик ва санъат ёдгорликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Товарларни божхона чегарасидан ўтказишни чеклаш эса халқаро вазият, ички бозорни ҳимоя қилишдан келиб чиқиб, шунингдек чет эл давлатлари ва иттифоқчиларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларини қамситувчи ёки уларга зиён етказувчи ҳаракатларига жавобан чоралар сифатида ўрнатади⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ, божхона қонунларини бузган фуқаро ва мансабдор шахслар маъмурий жавоб-

*Ҳасадгўйлар – ўта юраксиз
кишилардир. Оёгини босиб
олганингизда ҳам юзингизга
кулиб қараб тураверишади.*

Ромен РОЛЛАН

гарликка, уларнинг қилмишида жиноят аломатлари мавжуд бўлганда эса – жиноий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасидаги чегара мутлақо бўлиши мумкин эмас. Жиноят қонунчилигида жиноятни тавсифловчи асосий белгилардан бири – унинг ижтимоий хавфлилигидир. Ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятни маъмурий ҳуқуқбузарликдан ажратиш имкониятини берувчи мезондир. Шунга қарамаздан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ, агарда ҳаракат, формал равишда, "... Жиноят кодексида назарда тутилган бирор-бир жиноят аломатларига эга бўлса-ю, лекин кам аҳамиятлилигига кўра жиноят ҳуқуқий маънода ижтимоий хавфли бўлмаса", жиноят деб ҳисобланмайди. "Бироқ ижтимоий хавфлилик даражасининг кам аҳамиятлилиги маъмурий ёки бошқа тарздаги жавобгарликни истисно қилмайди"⁸.

Божхона қонунчилигида кам аҳамиятли, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилган.

Маъмурий тартибда таъқиб қилинадиган божхона қонунларини бузишни жиноий жазога сазовор қилмишдан фарқлашгана эмас, балки унинг алоҳида турлари мазмунини очиб бериш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир. ЖКнинг 182-моддасига асосан товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ҳар қандай йўл билан ўтказишни эмас, балки фақат ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган:

1) божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ўтказиш.

2) товар ёки бошқа қимматликларни божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ўтказиш.

3) товар ёки бошқа қимматликларни декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишгана жиноий жазога сазовор бўлган божхона қонунларини бузиш деб тан олинади.

Божхона қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш усули, ўтказилаётган товар миқдори ва жиноят субъектига боғлиқ бўлиши мумкин.

Товар ёки бошқа қимматликларни божхона хизмати руҳсатисиз Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиш жиноят содир этиш усулига кўра оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади.

Ҳар қандай жиноий тажовузда ижтимоий хавфлилик бор, бироқ улар ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра фарқланади. Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг объектив хусусиятларини акс эттиради ва ҳуқуқий ҳимоя объектларга зарар етказувчи ёки зарар етказишга реал хавф туғдирувчи қилмишларни жиноят тоифасига киритиш кераклигини англатади⁹.

Ижтимоий хавфлилик – қилмишнинг жамият учун зарарли эканлигини намоён қилувчи, ундаги устувор ижтимоий муносабатларга, ҳаёт тарзига зарар етказиш ёки зарар етказишнинг реал хавфини туғдирадиган жиноятнинг объектив белгисидир. Зарар – иқтисодий, маънавий бўлиши мумкин – у фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, бошқарув тартибига, жамоат тартибига етказилиши мумкин.

Божхона қонун ҳужжатларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг фаолият кўрсатиш даражасини издан чиқариши билан характерланади. Унинг жиноят деб тан олинаши т қонунчиликда мустаҳкамланган.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг жамият учун зарарлилигида, ижтимоий муносабатлар ва кишилиқ ҳаёт тарзига жиддий зиён етказишида, давлат ва жамоат манфаатларига тескарилигида мужассамлашган. Божхона қонунларини бузишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса, унинг мақсади, мотиви, такрорланиши ва миқдорига боғлиқ. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ҳисобга олмасдан туриб, божхона қонунларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кабулов Р., Отажонов А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув кўлланма / . – Тошкент. 2013 й. – Б. 115.
2. Отажонов А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2016 й. – Б. 95.
3. Лопасов Т. Расширение сферы действия поощрительных норм (на примере деятельного раскаяния) в условиях либерализации уголовной политики. *Ҳуқуқ-Право-Law* -2013-№3. Б. 61-62.
4. Уголовное право России. Особенная часть: Учебник под ред. Авторский коллектив – М., 2008. – С.145.
5. Шубина В. Ю. Институт пособничества в совершении преступления: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012.; Агапов П. В. Основы противодействия организованной преступной деятельности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2013; Безбородов Д. А. Методологические основы учения об уголовной ответственности за совместное преступное деяние: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб., 2012;
6. Jonathan Herring. Criminal law: text, cases, and materials / Oxford, United Kingdom; New York: Oxford University Press, [2014] – P.936
7. Рустамбаев А. М. Совершенствование уголовного законодательства и правоприменительной практики по борьбе с групповыми формами преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 2010 й. –Б. 120.
8. Отажонов А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2016 й. – 110. Кабулов Р., Отажонов А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув кўлланма / . – Тошкент. 2013 й. – Б. 115.
9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. –Т., Адолат. 2009. Б. 206.



**Мақсуд
ҚАЛАНДАРОВ,**
Ички ишлар
вазирлиги
Академияси ка-
федра доценти,
юримдик фанлар
номзоди

АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚУРОЛ-ЯРОҒНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

АҚШнинг қонун чиқарувчи органи ушбу нормани қўллаш орқали биринчи навбатда қурол, портловчи моддалар ёки ушбу муассаса хизматчиларининг баданига шикаст етказиш учун мўлжалланган воситаларнинг ғайриқонуний муомаласини чеклаш, иккинчидан жазони ижро этиш муассасасининг нормал фаолиятини таъминлаш, муассаса хизматчилари ва жазони ўтаётган маҳбусларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, шунингдек муассасада маҳбуслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган исён ва ғалаёнларнинг олдини олишни таъминлаш вазифасини назарда тутади.

Бундан ташқари, тавсиявий характерга эга бўлган 1962 йилда қабул қилинган АҚШнинг Намунавий жиноят кодексига мувофиқ, қурол-яроғни қўллаш бошқа жиноятларнинг содир этиш қуроли сифатида тилга олинади.

Чунончи, ушбу Кодекснинг “Жиноят қуролларига эгалик қилиш. “Қурол” деб номланган 5.06-моддасининг биринчи қисмида – жиноят содир этиш учун қуролни қўллаш мақсадида ҳар қандай ҳолда унга эгалик қилиш мисдиминор деб ҳисобланади [1, Б. 304]. Ушбу модданинг 2-қисмида шахс ўз ёнида, қўл юки (жомадони), транспорт воситасида ўқотар ёки бошқа қуролни олиб юриш ёхуд ундан осонликча фойдаланиш имконияти юзага келадиган ҳолатларда, агарда: а) ҳаракатланувчи шахснинг уйида ёки хизмат жойида бўлмаган ҳолларда; б) ҳаракатланувчи шахсда қуролга эгалик қилиш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлмаган ёки у бошқача тарзда қонун билан белгиланмаган ҳолда; в) қонун билан рухсат этилган спорт турлари билан шуғулланишда фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда қуролга эгалик қилиши, шахсни қуролдан жиноят содир этишда фойдаланиш мақсади мавжудлигидан далолат беради [1, Б. 305].

А. Задоянинг фикрича, бунда қуролга эгалик қилиш, уни қўллаш мумкин бўлган қонуний мақсадлар учун аниқ мос деб бўлмайдиган ҳолатларда қўлланилаётганлигини аниқлаш ҳолда, қуролга ўзга шахснинг ўлимини келтириб чиқариш учун осонликча қўлланилиши мумкин бўлган восита сифатида қаралади [2, Б. 49–50].

Е. Четвертакова эса АҚШнинг айрим штатлари ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолиятида АҚШ Намунавий жиноят қонунчилигининг ушбу моддасини амалда қўллаш жараёнида амалиётчилар томонидан бошқа жиноятни содир этишда қўлланилаётган ўқотар қурол сифатида ҳаттоки ўқланмаган ёки ўқдониди патрони бўлмаган ёхуд уни зудликда жанговар тайёргарлик ҳолатига келтиришга имкон берувчи бошқа қисмлари бўлмаган ҳолдаги ўқотар қуроли, шунингдек уни осонликча йиғишда зарур бўлган асосий қисмларини ҳам тан олинаётганлигини таъкидлаб ўтади [3, Б. 126].

Бизнингча, қурол муомаласини тартибга соладиган АҚШнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қуролга эгалик қилишга рухсат этилгандан қатъий назар, қонун билан белгиланмаган жойларда ўзи ёки транспорт воситасида ёхуд қонун билан тақиқланган

бошқа усулда қуролга эгалик қилиш ҳолатлари, ундан бошқа жиноятларни содир этишда қўллаш мақсади мавжудлигидан далолат бериб, қилмишнинг объектив белгиларидан келиб чиққан ҳолда уни жиноят сифатида баҳолаш лозимлигини тақозо этади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 248-моддасига мувофиқ, рухсат этилмаган ҳолларда қуролга эгалик қилиш учун белгиланган жавобгарликдан фарқли ўлароқ, АҚШ жиноят қонунчилигида қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда жиноят таркибининг субъектив (қасд, мотив, мақсад) белгилари аҳамият касб этмаслигидан далолат беради.

АҚШ Намунавий жиноят кодексининг 5.06-моддасида қуролдан бошқа жиноятни содир этишда фойдаланиш ҳолатини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланганидек, жиноий жавобгарликнинг оғирлаштирувчи (Ўз.Р. ЖКнинг 277-м. 2-қ. “в” банди) ёки алоҳида оғирлаштирувчи (Ўз.Р. ЖКнинг 277-м. 3-қ. “б” банди) [4, Б. 220–221] ҳолатлари сифатида эмас, балки асосий таркибли жиноят сифатида тушуниш лозим.

АҚШ Намунавий жиноят кодексининг 5.07-моддаси (Ҳужум қиладиган қуролларни тақиқлаш)га биноан, агарда шахс қонуний равишда қуролдан эгалик қилишга рухсат этилгандан ташқари ҳолатларда, уни тайёрласа, таъмирласа, сотса ёки бошқа усулларда қўллайдиган ёки эгалик қиладиган бўлса, унда бундай қилмиш мисдиминор (жиноят) деб тан олинади. Ҳужумкор қуроллар сирасига, умум тан олинган қонуний мақсадларда ишлатилмайдиган, ҳар қандай бомбалар, пулемёт, қўл бола ўқотар қурол (обрез), ўқотар қурол, шовқинсиз ўқ отишга ёки ҳеч кимга билдирмайдиган ҳолда олиб юришга мўлжалланган махсус тайёрланган қуроллар, ҳар қандай калтак (дубинка)лар, кум билан тўлдирилган халталар, темир кастет, ханжар ёки баданга шикаст етказиши мумкин бўлган ҳар қандай қуроллар киради.

Шунингдек, ушбу нормада жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ҳам белгилаб берилган. Унга кўра, агарда шахс қуролни антиквар сифатида эгалигида сақлаганлиги ёки театрлаштирилган томошада фойдаланилганлиги ёхуд қуролни топиб олганлиги, жиноий тажовузкорлик қилаётган шахсдан тортиб олганлиги муносабати билан вақтинча ўз эгалигида сақлаётганлиги ва улардан ноқонуний мақсадларда фойдаланмаслигини

исботлайдиган далил, важларни келтира оладиган ҳолатларда шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Техас Жиноят кодексининг 46.01-моддасида ҳар хил турдаги қурол-яроғларнинг батафсил таърифлари келтирилган. Техас жиноят кодексига келтирилган қурол турларидан ташқари, Нью-Йорк штатининг жиноят кодексига қўшимча тарзда пластик кастетлар, электрон пистолет-пулемётлар, электрошок пистолетлар [5, Б. 355]нинг гайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарликлар белгиланган.

Техас жиноят кодексига биноан қурол-яроғнинг гайриқонуний муомаласи учун 2 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва 10.000 доллар миқдорида жарима қўлланилади.

Нью-Йорк штатининг жиноят кодексига қурол-яроғнинг гайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун 1 йилу 6 ойдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Агарда шахс портловчи моддаларни бошқа шахсларга нисбатан қўллашни мақсад қилган ҳолларда сақлаши учун 2 йилдан 25 йилгача қамоқ ва жарима тариқасидаги жазолар қўлланилиши белгиланган (§ 265.04) [6].

Шундай қилиб, АҚШнинг Намунавий жиноят кодекси ва ўрганилиб чиқилган штатлар (Нью-Йорк ва Техас) жиноят қонунчилигига мувофиқ қурол-яроғнинг гайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ушбу турдаги жиноятлар учун белгиланган жиноий жавобгарликлардан фарқли томони куйидагилардан иборат:

биринчидан, жиноий жавобгарлик қурол қўлланилишининг мақсади ва қўлланилган жойларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

иккинчидан, жиноий жавобгарлик қуролнинг қайси турларига мансублигига қараб белгиланади;

учинчидан, жиноий жавобгарлик айрим ҳолларда қуролга эгалик қилишнинг объектив ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади;

тўртинчидан, жиноий жавобгарлик қуролнинг сон жиҳатдан миқдorigа қараб белгиланади;

бешинчидан, қуролга нисбатан портловчи моддаларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги инobatга олиниб, жавобгарлик алоҳида ажратилиб, жазо тайинлашда овирроқ жазо қўлланилишининг белгиланганлигидан иборат бўлади.

Икки давлат жиноят қонунчилигининг қурол-яроғни гайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарликни белгилаш борасидаги ўхшашлиги:

– жиноят объекти, жамоат хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш манфаатларининг ҳимоя қилиниши;

– жазо турлари ва миқдорларининг деярли бир хил тайинланиши.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, АҚШ жиноят қонунчилиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қурол-яроғнинг гайриқонуний муомаласи учун жавобгарликларни такомиллаштириш мақсадида куйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

– қурол турларининг моҳияти (ижтимоий хавфлилик жиҳати)дан келиб чиққан ҳолда уларнинг гайриқонуний муомаласи учун жавобгарликни белгиланган ҳолда, алоҳида ажратиш талаб этилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисидаги” қонунига мувофиқ, ўқотар қуролдан ташқари пневматик, газли, сигнал берувчи, тигли, улоқтириш қуроли ва электрошок қурилмаларига эгалик қилишга рухсат берилган. Бироқ, ўқотар бўлмаган юқорида кўрсатилган қуролларга ноқонуний эгалик қилиш учун қонунчиликда жавобгарлик мавжуд эмас. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида фақатгина ўқотар қуролни сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик ва гайриқонуний эгалик қилиш учун жавобгарлик белгиланган, холос.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда ўқотар бўлмаган қуролга рухсатномасиз эгалик қилиш билан боғлиқ аниқланган 2 174 та ҳолат бўйича шахсларга жавобгарлик чоралари кўриш учун ҳуқуқий асос бўлмаган [7].

Бу эса ўқотар бўлмаган қуроллар билан фуқаролар ўртасида “эркин муомала қилиш” вазиятининг шаклланишига имкон яратмоқда. Содда қилиб айтганда, ўқотар бўлмаган қуролга ноқонуний эгалик қилиш, яъни уйда сақлаш, кўча-кўйда олиб юриш, таълим муассасаларига олиб бориш ва ҳоказо ҳолатларда қурол эгаси ундан турли жиноий мақсадларда фойдаланмаслигига кафолат йўқ.

